



БАГДОД - кадимги форс тилида «Аллох ато килган, «Доднинг боги» маъноларини билдирган.

Дажла дарёсининг икки соҳилига жойлашган кадимий шаҳар, 1921 йилдан буён Ирок давлати пойтахти. Милодий 762 йили аббосий халифалардан Мансур барпо килган ва уни «Мадинат ус-салом» (Омонлик шаҳри) деб атаган. У анча вақт халифалик пойтахти бўлган. Шаҳар салжукийлар, мўғуллар, туркманлар, эронийлар, кейинчалик кўп йиллар Усмонлилар кўл остида бўлган. Шаҳарда кўплаб донги дунёга кетган масжидлар, мадрасалар, дунёдаги биринчи дорилфунун ва исломий обидалар бор, бу ердан улуг алломалар, машхур арбоблар етишиб чиккан.

Кириш

Еттинчи хижрий асрда мўғул лашкарлари бутун дунёни забт этиш учун ўзларининг машхур юришларини бошладилар. Мўғулларга қаршилик кўрсатганлар асосан мусулмонлар эди. Аммо ваҳший душман мусулмонларни устара сочи қандай қирган бўлса, қиличдан шундай ўтказган эди. Мусулмон оламининг машхур илм ва маърифат марказлари бўлган шаҳарлар мўғуллар томонидан вайрон қилинган эди. Бундан роппа-роса 757 йил муқаддам, яъни 1258 йилнинг 10 феврилида Чингизхоннинг набираси Хулағухон бошчилигидаги мўғул қўшини ўша пайтдаги Ислон дунёсининг юраги

хисобланган, ер юзининг энг катта, машхур шахари, Аббосийлар халифалиги пойтахти - Багдодга бостириб кирди.

Бунинг окибатида сахар вайрон, тинч ахоли киргин килинди, мисли кўрилмаган зўравонликлар бўлди. Бундай хунрезлик натижасида бир миллиондан ортик одам ҳаётдан кўз юмди. Багдоднинг олиниси ўрта асрлардаги вахшийликнинг энг чўккиси бўлган воқеа, деб таърифланди. Ўша пайтларда оммавий киргин куралини ҳеч ким билмасди. Лекин бу жанг оммавий киргин жангга бўлди. Жангчи бўлмаган эрага аёллар, қариялар, болалар ҳам қилич ва қамон ўқлари билан қириб ташланди. Мўғуллар масжидларни вайрон этишди. Ижтимоий аҳамиятга молик иншоотлардан тортиб, аҳолининг уйлариғача ҳаробага айланди. Ўзлари саводсиз бўлган мўғуллар ўрта асрнинг энг катта қутубхонасини қулга айлантиришди. Бебаҳо қўлёмалар ёқиб ташланди. Тенги ўқ қитобларни йиртиб, қўчаларга қараб отишди.

Уларнинг жохилона фикрларига қўра, қитоб жангавор руҳни сўндирувчи ва соғлом ақлга қов бўлувчи восита ҳисобланган.

Аббосийлар давлатининг халифаси Мустансим юз йиллар давомида қанча машаққатлар билан қусулмонлар томонидан қарпо қилинган шаҳарнинг вайрон бўлишини ўз қўзлари билан қўзатиб қуришдан ўзга қора топа олмади. Багдод қўлагандан сўнг ўн қун ўтиб уни қатл этишди. Оила аъзолари ҳам ўлдирилади. Шу билан қуллуб-яшнаган Аббосийлар давлатига, араб-қусулмон тамаддунига, ер юзига алгебра, қимё, тиббиёт ва юзлаб бошқа соҳаларни қерган қуқ даврга қун ясалади.

Ақсар тарихчи олимларнинг фикрича, бу воқеа Ислоқ оламининг йўналишини тубдан ўзгартириб юборди. Баъзиларнинг айтишича, мўғулларнинг бу қарбасидан Ислоқ олами ҳали ўзига қела олгани йўқ.

Айнан ўша даврлардан бошлаб Европада ўсиш бошланди. Қарбнинг Ислоқ устидан расмий қалабаси Версал шартномаси ва Сайкс-Пико битимида ўз ақсини топди. Ўтмишда Биринчи жаҳон уруши номи билан аталувчи қонли воқеа мўғуллардан сўнг иқкинчи марта халифаликка нукта қўйилиши бўлди.

Бугун қусулмонлар ўз тарихларини яхшилаб ўрганишлари қерак. Ундан тўғри ҳулосалар қикариб, буларни бошқа қусулмонларга ҳам етқизишлари қерак.

Авалло, сўзни ёмон қуқлар доим бизга ҳалал қеришади, агар ҳорижликлар аралашмаса қелажақимиз қарлок бўлади, деган сўзлардан бошланмаслиги қерак. Муаммо жиддий ва унинг ечими янада мураккабдир. Биз буни тушуниб етишимиз қерак. Нега қудрати жиҳатидан АҚШга тенг бўлган ўрта асрлардаги қуқ бир давлат ёввойи, жохил, нодон қўшин ва мажусийлар томонидан вайрон этилди?

Маълумки, мўғуллар қалабаси ва бунинг окибатида Багдоднинг қулаши салтанатнинг заифлигидан эмас эди, балки қусулмон дунёси иққарисининг ўзида қандайдир оғир дард қаб иллат қорлигидандир.

1991 йил, Қаж мақсумида, Минода бутун олам ҳожилари шарафига уюштирилган зиёфатида Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари (роҳимахуллох): "...Биз ҳозирги қунда сақларимизни бирлаштиришга жуда-жуда муҳтожмиз. Чунки динимиз душманлари ҳамма тарафдан ҳужум қилиш учун қурсат қойлаб қурибди. Агар қусулмонлар бирлашсалар, ҳеч қачон енгилмасликларини улар Ислоқ тарихидан биладилар. "Бадр" жангидан то шу қунгача қадар қусулмонлар факат ўз иқларидаги ихтилоқлари туфайлигина мағлуб бўлишди...", деган эдилар.

Бугун қўпчилиқ XVIII – XX асрдаги қарбалардан сўнг Ислоқ яна оёққа турмоқда, деб ёзишмоқда. Тойнби қаб классиклар ҳаммани ажаблантирган ҳолда, Гегел томонидан

"Ислоннинг жанозаси" деб айтилган фикр хали эрта айтилганини айтиб, "Тарихий ёндашув"да Ислон тамаддуни нафакат тетиклашаётгани, балки ўтган тарихий ҳаётида ўз ўрнини топганлигини... тан олган. Унинг имкониятлари шучалик кенг эканки, у нафакат асрлар давомида сакланиб колди, балки йўк жойдан, мағлуб бўлиб, йўк бўлиб кетиш нуктасидан икки марта қайта тугилди.

Агар биз муаммоларимизни ташкаридан эмас, балки ўз ичимизда эканини тушуниб етмас эканмиз истикболда Ислон дунёси ўзининг бутун гўзаллиги билан қайта тугилиши мумкинлигига умид килмасак ҳам бўлади.

Глобал ватанпарварлик бузгунчилик ёки ҳозирги кундагидек вайрон килгувчи куч эмас, балки инсоният ривожига ўз хиссамизни қўшишда эканини тушунишимиз эртанги кунни хис қилишимизга имкон беради, Инша Аллох.

Багдоднинг кулаши

Нафакат Ислон тарихида, балки жаҳон тарихидаги муҳим ҳодисалардан бири бу Багдоднинг кулаши ва Аббосийлар сулоласи ҳукмронлигининг тугашидир. Буларнинг барчаси сиёсий харитада бутун дунёга ҳукмронлик қилишга даъвогар бўлган янги кучнинг вужудга келиши натижасидир. Бу дахшатли кучнинг пайдо бўлиши бутун дунёга кўркинчли оқибатлар келтириб чиқарди, хусусан, ислон мамлакатлари учун. Хижрий еттинчи асрда пайдо бўлган ушбу куч мўғуллар давлати эди. Бу давлатнинг ҳукмронлиги даврида мудҳиш қонли қиргинлар билан Ерда кўплаб ўзгаришлар юз берди.

Мўғуллар ўз истило юришларини барча йўналишлар бўйича олиб борган бўлсаларда, уларнинг асосий мақсадларидан бири Аббосийлар халифалиги ва унинг пойтахти Багдод эди. Мўғуллар халифаликка қарши уруш учун стратегик режалар тузишган ва пухта тайёргарлик қўришган. Кейинчалик ушбу тузилган режалар мўғуллар томонидан амалга оширилади ва натижада Багдод қўлга қиритилиши билан яқунланади, бунда дахшатли вайронгарчиликлар қилинади ва жуда кўплаб инсонлар қурбон бўлди. Шу кунга қадар бундай шафқатсизлик ва ҳадсизликка тарих хали гувоҳ бўлмаган эди.

Багдодга йўл

1253 йилда мўғул ҳукмдори Мунка Аббосийлар халифалигини эгаллашга ва қўшни ҳудудларда қарам давлатлар барпо этишга қарор қилади. Мўғулларнинг Багдод юриши тайёргарлиги учун бутун бошли 5 йил ўтади. Шу йиллар мобайнида Хитойдан Багдодгача бўлган ўтказувчи йўллар шу даражага етказилгандики, мўғул қўшинлари улардан ҳеч қандай тўсиқларсиз ҳаракат қилиш имконига эга бўлгандилар. Шунингдек, оғир қурол – аслаҳаларни ташиш учун қўп юк қўтарадиган аравалар тайёрланганди. Мўғул қўшинлари ҳаракат қиладиган йўл яқинидаги барча яйловлар Багдод сари юрадиган мўғул қўшинининг отлари учун маҳаллий аҳолининг қорваларидан бўшатилоганди. Қўшин йўлидаги барча стратегик нукталар – Хитойдан то Ироқкача – мўғуллар томонидан алоҳида назоратга олинганди, бундан мақсад асосий қўшиннинг ҳавфсиз ҳаракатини таъминлаш эди.

Хусусан, Хулагу учун Ироқ ва Багдоднинг барча ҳудудларидан тўлиқ маълумотлар етказилганди. Мўғуллар Багдод ва бутун халифаликнинг мудофаа иншоотлари, қўшини сони, унинг тайёргарлик даражаси ва умумий иқтисодий ҳолати ҳақида тегишлича тўлиқ маълумотга эга эдилар. Шунингдек, Аббосийлар халифалиги ҳудудида содир бўлаётган

вокеа – ходисаларга у ёки бу тарзда таъсир этиш имкониятига эга бўлган инсонлар рўйхати ҳам тузилганди. Ушбу махфий маълумотларнинг ҳаммаси ислом оламининг барча шаҳарларида фаолият олиб борган кўп сонли мўгул айгокчилари туфайли олинганди. Уларнинг бир канчаси халифаликнинг юкори мартабали давлат хизматчилари, хаттоки мусулмон давлатининг баъзи вилоят ва шаҳарларининг ҳукмдорлари билан якин алоқада бўлишган.

Бундан ташқари, мўгуллар Багдод юриши тайёргарлиги вақтида келгуси урушда харбий ва информацион ёрдам кўрсатиш бўйича насроний Арманистон, Антиохия французлари ва ушбу ҳудудга таъсир эта оладиган бошқа кучлар билан иттифоклик шартномаларини тузишган.

Шунингдек, кўпчилик ислом ҳукмдорлари билан уларни мўгуллар томонидан тўлик ҳимоя қилинишини тан олиш ва Хулагуга пассив ёрдам кўрсатиш юзасидан келишувларга эришилган. Ва ҳудди шу мўгуллар Аббосийлар халифалигига қарши кенг кўламли харбий ҳаракатларни бошлаганда амалга ошади. Афсуски, ушбу ҳукмдорларнинг кўпчилиги буюк Салоҳиддин Аюбийнинг авлодидан эди.

Айгокчиларнинг ушбу барча маълумотларини ўрганган Хулагу Аббосийлар кўшинининг кучсизлигига, унинг Багдод ва халифаликнинг бошқа ҳудудларини ҳимоя қила олмаслигига асосли равишда кўзи етади, чунки унга халифа Мустаъсим ва унинг имкониятлари ҳақида, у аслида нимага қодир ва унинг қандай заиф томонлари борлиги тўғрисида тўлиқ хабар берилганди.

Шундай қилиб, ҳижрий 654 йилда барча тайёргарлик ишлари ўз якунига етади, Аббосийлар халифалигига ҳужум учун барча қаракли қоралар қўрилади. Микдори жихатида жуда буюк бўлган кўшин тўпланади, бу Чингизхон мўгул давлатини ташкил этгандан бери тенги бўлмаган кўшин эди. Фақатгина Багдоднинг қамали учун икки юз минг кишидан ортиқ кўшин тайёрланганди. Бундан ташқари, Ирок йўлидаги мўгул армиясининг асосий кучларининг ҳавфсизлигини таъминлаш ва уларга қурол-аслаҳа етказиб бериш вазифаси юқлатилган кўшиндан ташқари, Ирокнинг шимолида жуда кўплаб мўгул отрядлари жойлаштирилганди.

Мўгул кўшинининг жанговар тартиби қуйидагича тузилган эди:

- Ирокнинг шарқидаги Форс ва Озарбайжонда жойлаштирилган мўгуллар армиясининг асосий кучлари;

- Русни қабт қилган мўгул сарқардаси Бату қўмондонлигидаги Россияда Волга дарёси бўйида жойлаштирилган мўгул кўшинлари ғуруҳи;

Хулагу бу қисмни жангда биргаликда ҳаракат қилиши учун Россиядан қақариб олади. Лекин Бату Хулағунинг қароргоҳига ўзи қелмайди, ўзининг ўрнига уч нафар жияни бошчилигидаги кўшинини жўнатади. Ўша пайтларда Бату ўз назорати остидаги Волга дарёси ҳавзасида мустанкил “Олтин Ўрда” давлатини ташкил этган эди. Бошқарувдаги муайян мустанкиллик ва давлат ишини юритишига қарамасдан, “Олтин Ўрда”нинг ҳукмдори бевосита олий хон Мункага бевосита бўйсунар эди.

- Туркиянинг шимоли Анадолида жойлашган, Европага йўлланган мўгул кўшинининг қисми;

Хулагу мўгул кўшинининг бу ғуруҳини ҳам Багдодга қетаётган кўшинга қелиб қўшилишини талаб қилади. Байжо бошчилигидаги бу кўшин Туркия ва Ирокнинг барча ҳудудини Анадолидан Багдодгача бўлган йўлни босиб ўтиб, асосий кучларга Ирокда қўшиладилар ва йўл давомида ҳеч қандай тўсикка дуч қелмайдилар. Афсуски, бу ҳудудларнинг мусулмон ҳукмдорлари мўгул кўшини уларнинг ерларидан бемалол ўтишлари учун очик

коридор яратиб беришди, шу сабабли ҳам мўгуллар ҳеч қандай тўсиксиз Анадоли, Мўсул, Халаб ва Хомс ҳудудларини босиб ўтишди.

- Армани Хетум шоҳи бошчилигидаги арман кўшинлари;

Хулагу ўзининг дўсти – арман шоҳидан – баъзи кучларни унга кўмак учун жўнатишини сўрайди, лекин Хетум етарлича йирик кўшин гуруҳи билан шахсан ўзи етиб келади.

Шунингдек, Хулагу ўз измига камондан оловли ўк отиш бўйича катта тажрибага эга бўлган минг нафар хитой ўкчиларини ҳам олади.

Кўшинига бошлик қилиб Хулагу ўзининг энг яхши саркардаси Кит Буга Найман тайинлайди. Тажриба ва юкори саркардалиқ сифатларидан ташқари Кит Буга насроний эди, бу эса унга мўгул кўшини таркибида бўлган ўз шоҳи бошчилигидаги арман, Антиохиялик французлар ва Хоразмшоҳлар томонидан бир неча ўн йил олдин вайрон қилинган Тбилиси учун ўч олишни хоҳлаган грузинлардан иборат насронийлар билан биргаликда эркин ҳаракат қилиш имконини берди. Ушбу кўп сонли кўшинга мўгуллар тарихидаги энг тажрибали кўмондонлар бошчилик қилишган: Хулагу, Кит Буга ва Байжо. Хулагу, шунингдек, Антакиянинг ҳукмдори Боймунд VI га ҳам ҳарбий ёрдам сўраб хат йўллайди. Лекин у кела олмади, чунки мўгуллар билан учрашиши учун у бутун Шом ҳудудини босиб ўтиши керак эди. Шунга қарамадан унинг кўшини тўлиқ ҳарбий тайёргарликда турган ва Бағдод қулаганидан кейин, Шомни қўлга олишда ва Халаб қамалида фаол иштирок этган.

Боймонд Бағдод юришида қатнаша олмаган бўлсада, Дамашк ҳукмдори Носир Юсуф ўзининг ўғлини, Мўсул ҳукмдори Бадруддин Луълуъ эса – Хулагу кўшини билан бирга мусулмон халифалиги пойтахтига бўлган урушда иштирок этиши учун ҳарбий отряд жўнатган.

Бу гуруҳларнинг сони қамлигига қарамадан, уларнинг иштироқи катта аҳамият касб этган. Кўшинда мусулмонларга қарши урушда улар билан биргаликда ҳаракат қилувчи мўгул мусулмонларнинг мавжудлиги, ҳуддики ирокликлар мўгуллар билан иттифокликда “Ирокни озод қилиш” учун ҳарбий юришларда иштирок этаётгандай англашилди.

Аслида эса ушбу ҳукмдорлар ўз тахтини, қайсидир микдордаги дирхамларини ёки шунчаки ҳаётини саклаб қолиш учун сотқинлик қилганди.

Ўз таркибига юкорида санаб ўтилган барча отрядлар ва ҳарбий бирикмаларни олган йирик мўгул кўшини Форсдан Ирок томонга ўз юришини бошлади. Шундай қилиб, Хулагу уруш йўлидаги дастлабки қадамини ташлади ва ўз кўшини олдида биринчи тактик вазифаларни қўйди.

Ҳарбий ҳаракатлар театрини ўрганиб чиққач, Хулагу Форснинг гарбидаги тоғли ҳудудларда ва Ирокнинг шарқида жойлашган исмоилий – шиялар мўгул армияси ҳаракатига муайян ҳавф тугдириши мумкин деган ҳулосага келади. Ўзининг ҳарбий маҳорати билан машҳур бўлган исмоилий мустаҳкам қалъаларга эга эди, қелишувларга амал қилишмасди ва қафолатларни бажаришмасди. Ўша пайтда исмоилийлар ва Аббосийлар халифалиги ўртасида кескин зиддиятлар мавжуд эди. Бундан ташқари, исмоилийлар бундан аввал Хоразмшоҳларга қарши қурашда мўгулларга ўз кўмагини таклиф қилишганди ва улар кучли тарафнинг ёнини эгаллайдиган иккиюзламачилар эди.

Буларнинг барчасига қарамадан, исмоилийларнинг тажрибали яхши қуроолланган армиясини орқасида қолдириб мўгуллар ўзларини бутунлай ҳавфсизликда ҳис қила олмади. Чунки исмоилийлар мўгул кўшинининг олға бориши учун жиддий тўсик бўлиши мумкин эди. Бундан ташқари мўгуллар ва исмоилийлар ўртасида ўттиз йиллик қонли ўч

бор эди. Чингизхоннинг Форсга юриши вақтида исмоилийлар томонидан унинг ўғилларидан бири Чигатой ўлдирилганди. Мўғуллар, албатта бу ҳақида унутгани йўқ эди, чунки гап мўғул давлатининг асосчиси буюк Чингизхоннинг ўғли ҳақида борарди. Шунингдек, мўғулларнинг барча саркарда ва ҳукмдорлари Чингизхон авлодидан бўлган, шунга кўра унинг ўғли учун ўч олишни уларнинг ҳар бири ўзининг шахсий иши, шараф масаласи деб биларди. Шу билан бирга, бу йўналишдаги ҳарбий юришларда мўғул кўшинлари таркибида Чигатойнинг ўғли иштирок этарди, унинг мақсади отасининг котиларидан ўзи ўч олиши эди.

Буларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда ва исмоилийларни Ер юзидан кириб ташлаш ҳақидаги Буюк Хон Мунканинг буйруғини бажариш мақсадида, Хулагу улар билан масалани тамомила ҳал қилишга қарор қилади.

Кўп сонли мўғул кўшини эронлик исмоилийларнинг пойтахти забт этилмас Аламутга (Хассан Саббохнинг қасри – 2163 метр биландликдаги тоғ қалъаси, Эрон Қазвинининг остонасида, Техрондан тахминан 100 километр узоқликда жойлашган) қараб ҳаракатланишади. Кўп давом этмаган камалдан кейин 1256 йилда қалъа мўғуллар томонидан жангсиз қўлга қиритилади.

Мўғулларнинг енгиб бўлмас кўшинини кўрган исмоилийларнинг имоми Рухниддин Хуршоҳ Хулагу билан шахсан учрашиш истагини билдиради. Кимматбаҳо вақтни тежаш мақсадида Хулагу у билан учрашувга рози бўлади, чунки исмоилийлар билан бўладиган бу кураш асосий мақсад – Бағдод йўлидаги бир тин олиш эди. Хулагу билан учрашувдан сўнг, уларга бўлган тўлиқ итоатини баён қилган шиаларнинг имоми Хуршоҳ голибларнинг марҳаматига умид қилган ҳолда, мўғулларга ўз қароргоҳи - Маймундизонинг дарвозаларини очиб беради.

Шунингдек, у Хулагунинг талабига мувофиқ ўз давлатининг барча бурчакларига таслим қарори билан чопар жўнатади. 40 га яқин қалъа бошлиқлари унинг иродасини бажаришади ва мўғулларга таслим бўлишади. Лекин Аламут гарнизони бошлиғи таслим бўлишни истамайди ва бир қанча муддат қаршилик кўрсатади. Бироқ, енгилмас деб саналган Аламут қалъаси ҳам таслим бўлади, қалъа химоячилари ва аҳолиси ўлдирилади, қалъанинг ўзи эса яқсон қилиб ташланади.

Шундан сўнг Хуршоҳ буюк хон Мунка билан учрашиш истагини билдиради ва Хулагу унинг илтимосини бажаради. Мўғул аскарлари қузатуви остида Хуршоҳ мўғул давлати пойтахтига боради, лекин Мунка Хуршоҳни олий хон билан учрашишга нолойик деб санаб, ҳузурига қабул қилмайди. Ундан кейин эса уни қайтадан Форсга элтиб қўйиш буйруғи берилади. Қайтиш йўлида Хуршоҳ Мунканинг махфий буйруғига асосан унга йўлдошлик қилаётган мўғул аскарлари томонидан ўлдирилади.

Хуршоҳ ўлдирилгач, Хулагу энг разил ҳарбий ҳаракатлардан бирини бошлайди. Бағдодга кетаётган мўғул кўшинларига қўшилиш важи билан исмоилийларга бутун ҳарбий қучларини тўплаш таклиф қилинганди. Ҳеч қандай ёмон гумонга бормаи исмоилийлар бутун вилоятлардан ўзларининг аскарларини йигишади ва Хулагу кўшини билан бирлашишга тайёр эканлиқларини билдиришади, лекин мўғуллар сосонийларнинг хиёнаткор “иттифокдошларини” ўз сафларига олиш истаги йўқ эди. Кейин Хулаги исмоилийларни аслида нима мақсадда тўплаган бўлса, ўшани амалга оширади – қонли қиргин уюштиради. Мўғулларнинг қўлига тушган ҳамма ўлдирилади. Шундай қилиб, 1256 йилда (655 хижрий сана) исмоилийларнинг давлати тугатилади. Бағдод йўли барча тўсиқлардан тозаланганди. Мўғул кўшини ҳавфсиз ҳаракатланиши учун йўл очилганди. Кўп сонли мўғул армияси Аббосийлар халифалигининг пойтахтига ҳужумини бошлайди.

Хулагунинг кенг кўламли якин Шарк юриши ўзининг кульминацион нуктасига якинлашаётганди. Бу ислом олами пойтахтининг йикилишига бир неча кунлар колганидан дарак берарди.

Мўғуллар тарихидаги энг йирик уруш бошланишидан олдин, Хулагу мўғуллар тарихидаги энг муҳим ҳарбий кенгашни чакиради. Айнан мана шу кенгашда ислом халифалигининг пойтахти Бағдодга юриш қилишни бошлашга қарор қилинганди.

Хулагу қутилмаганда нимадир содир бўлишидан хавфда эди, айниқса мўғулларга қўшилган мусулмон ҳарбий отрядлари томонидан. Шу сабабли уларнинг ортидан алоҳида қузатув ўрнатилганди. Афсуски, Хулагу мусулмон отрядлари саркардаларидан бекорга шубҳаланаётганди, зеро уларнинг ҳеч бирида унга хиёнат қилиш фикри йўқ эди.

Аксинча, уларнинг бари мўғуллар билан биргаликда Бағдодга бостириб бораётганди. Юришдан олдинги охириги ҳарбий кенгашни мўғуллар Бағдоддан тахминан 450 километр узоқликдаги форсинг Хамадан шаҳрида ўтказишади. Мана шу кенгашда Хулагу мўғул қўшинини учга бўлиш истагини баён қилади:

- мўғул қўшинининг асосий қисми бўлган биринчи армияга Хулагунинг ўзи бошчилик қилади. Бу армияга, шунингдек, Олтин Ўрданинг ҳукмдори Хон Бату томонидан йўлланган аскарлар ва Арманистондан келган отрядлар қўшилиши керак эди. Биринчи армиянинг вазифаси Форсинг гарбидаги тоғли ҳудудларни Керманшах шаҳри орқали босиб ўтиб, Бағдодга ўз вақтида етиб бориш ва шаҳарни шарқий тарафдан қамал қилиш эди;

- мўғул қўшинининг чап қаноти бўлган иккинчи армияга Хулагунинг энг яхши саркардаси Кит Буга қўмондонлик қилган. Бу армия ҳам мустақил равишда, мўғул қўшинининг бошқа қисмларидан ажралган ҳолда Бағдодга отланиши лозим эди. Қўшинни уч қисмга бўлишдан мақсад, мусулмон айғокчилари мўғул қўшинининг аниқ сонини билиб олмасликлари учун, уларни қалғитишдан иборат эди. Бундан ташқари, Бағдод йўли бирварақайига қўп сонли мўғул аскарларини ўтказиш лаёқатига эга эмас эди. Иккинчи армиянинг олдида турган вазифа Бағдодга жанубдан қириб бориш, шаҳарни жануб ва жануби – шарқдан қамал қилиш эди.

Бағдодга ҳали 450 километрга якин масофа қолганлигига қарамасдан, Хулагу ўзининг йирик қўшинини аббосийларнинг айғокчиларидан яширишга ҳаракат қиларди. Лекин Аббосийлар ва уларнинг айғокчилари мўғулларнинг қўшинини Бағдодга бир неча километр масофа қолганда аниқлашади;

- учинчи армия эса Европага жўнатилган қисмдан ташкил топган бўлиб, Анадолида турарди (Туркиянинг шимоли). Машхур мўғул саркардаси Байжо бошчилигидаги бу армия Бағдодга шимолдан қириб бориши ва шаҳарни шимолдан қамал қилиб, Бағдод атрофидаги доирани тўлдириши керак эди.

Лекин бу армия олдида анчагина қийин муаммолар турарди. Биринчидан, у белгиланган жойга бошқа мўғул қўшинлари билан бир пайтда етиб бориши лозим эди, лекин у пайтларда от ва шу қабилардан бошқа ҳаракат ва алоқа воситалари бўлмаган. Агар учинчи армия Хулагудан олдинроқ етиб борса, у аббосийларнинг қўшини билан учрашиб қолиши мумкин эди. Кечикса эса, Хулагу шундай ҳолга тушиб қолиши мумкин эди. Лекин Байжонинг аниқ ҳисоб – қитоби ва тажрибасига асосан, учинчи армия белгиланган ерга вақтида етиб келади. Иккинчидан, учинчи армия Бағдодга бориши учун жуда қўп масофани босиб ўтиши керак эди: 500 километр Туркия ҳудудидан, кейин эса яна 500 километр Ироқ ҳудудидан. Бу ҳудудларнинг барчаси эса мусулмонларга қарашли эди. Яъни Бағдодга етиб олиш учун бу армия ислом ерларидан 1000 километрлик масофани

босиб ўтиши лозим эди, бу эса муайян хавфни юзага келтирарди.

Лекин ушбу йўл мўғулларга ҳеч қандай хатар тугдирмади. 95 фоиз ушбу “хавфли” йўлни Байжо ўз армияси билан Аббосийларга сезилмас тарзда ўтади ва Багдодга 50 километр қолганда уларни саросимага солиб қўяди. Аббосийлар худди Байжо каби Хулағуни ҳам Багдодга бир кунлик йўл қолганида пайкашади.

Мўғуллар назорати остидаги тоғли худудлар бўйича ҳаракат қилган Хулағу армиясини пайкаш мушкуллигини тушуниш мумкин, лекин Багдодга шу қадар яқинлашган Байжо қўшинларини қандай қилиб илгамаслик мумкин?

Байжонинг мусулмон ерларидан бу қадар шиддат билан ўтганлиги фалокатлар ўзи аслида содир бўлиб бўлганлигидан далолат беради. Биринчидан, бу ушбу худдуларда Аббосийларнинг айгоқчилари бутунлай йўқлиги, шунингдек, Аббосийлар қўшини урушни олиб бориш ҳақида тасаввурга эга эмаслиги, уларни бошқариш бўйича ҳеч бўлмаганда минимал ҳарбий стратегик маҳорат етишмаслигига боғлиқ эди. Иккинчидан, бунда Анадоли ва Мўсулнинг мусулмон ҳукмдорларининг соткинлиги (бошқача айтганда давлат хиёнати) кичкина рол ўйнамади. Бу соткинлик мўғул қўшинига Багдодга боровчи йўлнинг барча эшикларини очиқ берди. Шу сабабли ҳам улар бу ердан худди сайрда юргандек, йўлида ҳеч қандай тўсикка учрамасдан бемалол ўтишди.

Байжо ўзининг одатига зид равишда, эътибор жалб қилмаслик учун ўша худудларнинг маҳаллий аҳолиси билан жангга киришмади, улар эса, ўз навбатида зарар етиб қолишдан қўрқиб, ўзларини мўғул армиясидан четда тутишди. Шунингдек Байжонинг қасос олишдан қўрқиб, ҳеч ким унинг ҳаракати ҳақида Аббосийларга хабар бермади. Бу Анадоли ҳукмдори Кайковус II ва Қилич Арслан IV ларнинг бутун ислом уммати олдидаги қатта соткинлиги эди. Лекин Мўсул ҳукмдори Бадриддин Луълўнинг хиёнати ўз ҳолича унданда буюкроқ эди. Бадриддин мўғулларнинг ҳаракати учун эркин коридор яратиқ бериш билан чекланиқ қолмади, балки мусулмон халифалиги ҳукмидан “Ироқни озод қилиш” важи билан улар билан бирга отряд юборди. Шунини таъқидлаш жоизки, ўша пайтда Бадриддин Луълў саксон ёшдан ошган эди, баъзи маълумотларга қўра эса, юз ёшда эди, ўзининг кекса ёшига қарамасдан, бу инсон шундай қабих соткинликка йўл қўяди. Яна шунини айтиш лозимки, у шу воқеалардан бир неча ой ўтиқ вафот этади.

Бу орада Багдодда...

Айтиш мумкинки, ўша даврларда Багдод дунёдаги энг мустаҳкам шаҳар эди, унинг деворлари эса забт этиш энг мушкул бўлгани эди. Бунинг ҳеч ҳам ажабланарли жойини йўқ, чунки Багдод беш асрдан қўпроқ вақт мобайнида мусулмон халифалигининг пойтахти бўлган ва унинг деворлари мустаҳкамлиги учун йирик микдорда сармоя ва инсон меҳнати сарфланган. Дажла дарёси бўйидаги буюқ Багдод ҳақли равишда марказ, бутун ислом оламидаги шаҳарларнинг Онали бўлган. Макка мусулмонлар учун муқаддас зиёратгоҳ бўлиқ қолаверган, лекин у сиёсий ёки савдо маркази бўлиши учун асосий аҳоли зич жойлашган марказлардан жуда ҳам ажратилган эди. Ислои вужудга қелганидан бор – йўғи юз йил ўтиқ араб дунёси Аббосийлар сулоласининг ҳукмронлиги остига ўтган, улар бутун мусулмон ерларининг расмий ҳукмдори, халифаси саналган. 762 йилда иккинчи Аббосий халифа томонидан Багдодга асос солинганди. Лекин бундай ажойиб ва забт этиқ бўлмас қўргонларнинг ўзи етарли эмас эди, уларни химоя қилиш учун ҳақиқий эрқаклар зарур эди. Афсуски, ана шундай эрқаклар ўша даврда Багдодда қам эканлиги маълум бўлди.

Халифа Мустаъсим Биллох Багдоднинг охирги кунларида

Ўша пайтларда хакикий эркак – жангчилари жуда кам колган ушбу мустахкам шаҳарнинг ва бутун мусулмон халифалигининг ҳукмдори, Аббосийлар сулоласининг ўттиз еттинчи ва охирги Багдодлик халифаси Мустаъсим Биллох бўлган. У нафакат ислом оламининг энг кудратли дунёвий ҳукмдори, балки ер юзидаги барча мусулмонларнинг олий даражадаги маънавий раҳномаси ҳам бўлган.

“Тарих ал-хулафаъ” (муаллифи Жалолиддин Суютий) ва “Ал-Бидоя ва ан-нихоя” (муаллиф ибн Касир) каби биографияга оид китобларда халифа Мустаъсим Биллохга мактовга сазовор инсон ва адолатли ҳукмдор сифатида таъриф берилади.

Хакикатда ҳам у яхши инсон бўлган, лекин ҳеч бир мусулмон ҳукмдори йўл қўйиши мумкин бўлмаган хатога йўл қўйган. У ўз қўлидан бошқарув жиловини қўйиб юборган ва бу билан йирик мусулмон халифлиги устидан назоратни йўқотиб қўйган. Натижада, энг керакли вақтда энг хавфли душманга қарши ислом умматини бирлаштира олмаган. Умматни кутқариш учун халифага ҳафсала билан диннинг барча расм – русумларини бажариш, факир ва ночорларга ғамхўрлик қилиш ва ҳоказолар етарли бўлмаган, бундан ташқари, у давлат ва армияни заифлаштирганларга қарши ҳам курашиши лозим эди. Афсуски, бу имконият қўлдан бой берилганди. У бутун ислом олами Багдоддан то Шимолий Африкадаги Магрибгача худди битта одамдай ўз халифалигини химоя қилиш учун қўтарилади ва ғайридинларга Багдодни эгаллашига йўл қўйиб бермайди, деган янглиш тахминда эди. На Аллох, на эътиқодли мусулмонлар Багдоднинг кофирлар қўлига ўтишига изн бермайди, ахир.

Багдоднинг сўнгги кунларида давлат идораларининг ҳолати

Давлат девони ҳам худди армия сингари хаста ва кучсиз эди. Ҳукмрон аслзодалар у ёки бу вазир ёки амирнинг шарпаларини намоён қиларди ҳолос, уларнинг шахсий бойлигини ошириш, ҳокимиятини кенгайтириш ва ўз таъсирини оммалаштиришдан бошқа мақсадлари бўлмаган. Уларни давлат ривожига ҳеч ҳам ташвишга солмаган, чунки улар ўз манфаатлари билан машғул эдилар ва бир парча ер, уй, лавозим, хаттоки оддий бир асира қанизак учун ҳам бир – бирларини ғажигина тайёр эдилар.

Бу нафсиз, ахлоқсиз амалдорлар бошида – ҳоин, уммат душманлари билан тил бириктириб, ўз мамлакати ва фуқароларини сотган бош вазир турган. Бу вазир ва амирлардан иборат бошқарув девони, ҳойнаҳой, давлат душманига қарши эмас, балки мусулмонлар боши узра қўтарилган қилич эди, чунки улар халққа шунчалик ёмон муносабатда эдиларки, хаттоки энг қаҳри қаттиқ хўжайин ҳам ўз қўлларига бунчалик аянчли муомала қилмайди.

Багдоднинг сўнгги кунларида аҳолининг аҳоли

Қўриниб турибдики, ўша кунларда халқнинг – Багдод ва бутун мусулмон давлати аҳолисининг – аҳоли хавас қилар даражада эмас эди. Лекин Багдод аҳолисига халифа томонидан жабр – ситам қўрсатилмасда, ҳукмдор синф уларга тақаллуф қўрсатиб ўтирмасди.

Ўша пайтдаги Багдод аҳолисининг сони, шаҳар атрофида жойлашган қишлоқларда яшовчиларни ҳисобга олмганда, уч миллион кишидан ошиқ эди ва Багдод ҳақи

равишда бутун дунё бўйича аҳоли сонига кўра энг катта шаҳар ҳисобланарди. Бағдод аҳолиси ҳашаматда яшар ва қулайликларга, тинчлик ва хотиржамликка ўрганиб қолган эди, чунки улар улкан мусулмон халифалигининг пойтахтида истикомат қилганлари боис, деярли ҳеч қандай алоҳида муаммоларга дуч келишмасди.

Шаҳарда ва бутун мамлакатда юзага келган ҳолат уларнинг ҳеч бирини ташвишга солмасди. Динни ушлаганлар фақат назарий билимларни эгаллаш, масжиддаги жамоат намозларида иштирок этиш, Куръонни ўқиш билан чегараланиб қолишган ва бундан ташқари уларнинг Аллоҳ таоло ва ўзи яшаётган жамият олдида ҳам мажбуриятлари бор эканлигини унутиб қўйишган. Дин йўлини тутмаганлар эса, булар Бағдод аҳолисининг кўпчилигини ташкил этарди, ўз нафси, айш – ишрати ва ҳузур – ҳаловати учун яшарди: турли – туман таомларни истеъмол қилишар, чиройли кийимларни кийишар, қўл остида жуда кўплаб хизматкорларни ушлаб туришар, катта қасрларда яшар, гўзал боғларда дам олишарди.

Куръон ўқувчилардан узоқлашган Бағдод аҳолиси таъқиқланган мусика ва ашулаларни эшитишар, май ичишар, ўзганинг мулкини ўғирлашар, Аллоҳ таолонинг заиф қулларини таҳқирлашарди. Бундан ташқари, улар қирк йил мобайнида Туркистон, Хуросон, Форс, Озарбойжон ва бошқа мусулмон олами диёрларидаги мусулмон – биродарлари бошига мўғуллар босқини сабабли тушган қулфатларга аҳамият бермаган ҳолда яшаган. Бағдодда бундан ҳамманинг хабари бор эди, лекин ҳеч ким ўз биродарларига ёрдам беришга ҳаттоки уриниб ҳам қўрмаган.

Улар қўшнисининг уйи ёнаётганда, ёғоч деворга ишониб, олов унинг уйига ўтиб кетмаслигига умид қилиб ўтирган кишига ўхшарди. Буларнинг баридан қилиб чиқиб, айтиш мумкинки, Бағдод аҳолиси айнан мана шундай ҳокимлар ва вазирларга лойик эди, мўғуллар босқини эса уларга Аллоҳ таолонинг жазосидай (қаҳри) қўринишга эга эди. Жазо ўзини қўп қуттирмади, мусулмон – биродарларининг фалокатларига лоқайдлик учун тоғон тўлаш вақти етиб келганди. Мусулмон отрядлари қўшилган қўп сонли мўғуллар армияси Бағдод давозалари олдида турарди. Бунга қадар Бағдод ўзининг ҳаракатсизлиги билан мусулмонларга қарши ёпирилиб келган мўғулларга ёрдам берганди, энди эса ана шу мусулмонлар шаҳар деворлари остида мўғулларга қўмақлашаётганди. Бир бўлак нондан бошқа нарсанинг ташвишини қилмаган халқ, бундан бошқасига лойик ҳам эмасди. Ахир бундай гап борку: қулфат келса – дарвозангни очиб қўй...

Бу мусулмон уммати учун Аллоҳ таолонинг улкан бир синовиди эди. Ривоятлардан бирида келтирилишича, мўғулларнинг раҳбари Хулағунинг кизи Бағдодни айланиб юрганида одамларни бир киши атрофида тўпланиб турганига кўзи тушади. Ўша одамнинг мусулмон олимлардан бири эканлигини билиб, уни ҳузурига чақиртиради.

- Сизлар Аллоҳнинг борлигига ишонасизлар, шундай эмасми?, – деди.

– Ҳа. – деб жавоб берди олим.

– Аллоҳ зафарни хоҳлаган бандасига беришига ишонасизлар-а?!

– Ҳа.

– Аллоҳ сизларнинг устингиздан бизнинг галаба қозонишимизни хоҳламади-ми!

– Тўғри.

– Бу, Аллоҳнинг сизлардан қўра бизни қўпроқ яхши қўришини ифодаламайдими?

– Йўқ.

– Нега?

– Қўй боқадиган чўпонни биласизми?

- Ха.
- Унинг суруви билан бирга ити ҳам бўлади, тўғрими?
- Ха.
- Сурувдаги кўйлардан баъзилари итоат этмай кочиб кетса, чўпон нима килади?
- Итини ишга солади.
- Ит уларнинг оркасидан қачонгача юради?
- Сурувга қайта кўшилгунларича.
- Эй мўғуллар, сизлар Аллохнинг Еридаги итларисиз! Биз мадомики Аллохнинг итоати ва ҳаёт манҳажидан узоқлашар эканмиз, унга қайта қайтмағунимизча оркамиздан қувлаб юраверасизлар!

Хаммаси худди шундай содир бўлди: мусулмонлар тез орада Аллох таолога қайтишди – Айн-Жалутдаги жангда мўғуллар илк бора яксон килинди.

Багдод камали

Багдод ва бутун мусулмон олами заифлашиб, инкирозни бошидан ўтказаятган бир пайтда, шаҳарнинг шарқий деворлари олдида тўсатдан мўғуллар йўлбошчиси Хулағунинг армияси пайдо бўлди. Бу хижрий 656 йил Мухаррам ойининг 12 санасида содир бўлди. Хулағу зудлик билан Багдодни узоқ муддат камал қилишга тайёргарликни бошлаб юборди. Ана шу вақтда шаҳарнинг чап тарафига етиб келган Кит Буга ўз армияси билан Багдодни шимоли – шарқий тарафдан камал қила бошлади.

Багдод халифаси ва барча мусулмон ерларининг расмий ҳукмдори Мустаъсим Биллох буларнинг барида даҳшатга тушади... У дарҳол кенгаш чакиради, унга барча вазирлар, маслаҳатчилар ва, албатта, бош вазир, уммат хоини Муайяддин Ибн Алкамий ҳам тақлиф этилади. Йигилганлар олдида битта масала турарди: бу фалокат билан нима қилиш, қандай қутилиш ва қайсига қочиш мумкин?

Табиийки, Ибн Алкамий ва унинг атрофидагилар мўғуллар билан сулҳ тузишни ва улар билан дарҳол тинчлик музокараларини бошлашни қатъий тақлиф этишди. Ибн Алкамий мўғулларнинг қатта имкониятлари ва мусулмонларнинг уларга қарши туришга қодир эмаслиги ҳақида гапириб, йигилганларни бундай қучли душмандан шаҳарни ҳимоя қилиш бефойда эканлигига ишонтирди. Бир оз давом этган мунозаралардан сўнг, йигилганлар тинчлик музокараларини бошлашга қарор қилишди. Тўғрироғи, сўзсиз таслим бўлиш учун музокаралар бошлаш...

Лекин кенгашнинг барча иштирокчилари ушбу қарорга рози эмас эди. Фақатгина икки киши мўғуллар билан сулҳ тузишга қарши фикр қўйиб қилишди. Улар халифага шаҳарни ва мусулмонлар давлатини муҳофаза қилиш мажбуриятини қўрсатиб беришди.

Мужоҳиддин Ойбек ва Сулаймоншоҳ йигилганларни қаршилик қўрсатишга ундай бошлади, лекин улар кеч қилишганди. Жуда қўп вақт қўлдан бой берилганди ва жангга тайёргарлик қўриш учун энди фурсат йўқ эди. Энди буюқ синовларга навбат келганди... Таъқидлаш жоизки, Мужоҳиддин Ойбек илгари ҳам жиход ва урушга тайёргарлик қўриш масаласини қўтарганди, лекин унга ҳеч қим қўлоқ солмаган, шу жумладан халифа Мустаъсим Биллох ҳам. Лекин бу сафар халифа иккиланиб қолганди, унинг нафси Ибн Алкамий билан рози эди, чунки унинг урушга хоҳиши йўқ эди. Лекин ақли Ойбек ҳақ эканлигини айтиб турарди, чунки мўғуллар тинчлик ниятида қилишмаганди ва оддийгина сулҳга қўнишлари амри маҳол эди. Узоқ мулоҳаза юритиб, Багдоднинг ҳукмдори

Мужохиддин Ойбекнинг сўзларига кулок солишга ва мўгулларга каршилиқ кўрсатишга қарор қилади. Лекин у бунда жуда ҳам катъиятсиз эди, душманга қарши бу ҳолда уруш бошлаш деярли фойдасиз эди. Узок фикрлашлардан кейин халифа уруш бошлашга қарор қилади (тажриба учун). Буюк Аббосийлар сулоласининг ҳукмдорларидан бири бўлган халифа Мустаъсим Биллох ҳаётида биринчи марта Аббосийлар давлати кўшинини ҳарбий мақсадларда қўллаш бўйича буйруқ беради.

Кейин эса Мужохид Ойбек қўмондонлигидаги аббосийлар кўшинининг нисбатан унча қўп бўлмаган отряди Хулагунинг йирик кўшини билан тўқнашувга чиқди. Ойбекнинг отряди шаҳардан чиқиб, Хулагу билан учрашувга тайёргарлик кўрган бир пайтда, шимолдан яна бир мўгул кўшинлари Бағдодга келаётгани ҳақида хабар қелади. Бу Нўйон Байжонинг кўшини эди, у Туркия ва шимолий Ирок ҳудудини босиб ўтиб, бу ерга Европадан етиб келганди. Дажла ва Фурот дарёлари ўртасидан ўтиб, Байжо сезилмас ҳолда Бағдодга эллик километрилик масофа қолгунча яқинлашади. Бу хабар Мужохиддин Ойбекка етиб борганида, у шаҳар ортида Бағдоднинг шимолида турар эди. Озгина мулоҳаза юритиб, у бундай ҳулосага қелади: агарда Байжо Бағдод деворларига яқинлашса, у шаҳарни шимолдан ва ғарбдан қамал қилади ва бу билан у қамал доирасини бекитади, натижада мусулмон давлатининг пойтахти тўлалигича қамал остида қолиб қетади.

Шундан қелиб чиққан ҳолда, Ойбек ўзининг кўшни билан бирга Байжо кўшини билан учрашишга шимолга қараб ҳаракат қилишга қарор қилади.

Мўгуллар Ойбекнинг кўшига Анбар ерларида (замонавий Ирокнинг Анбар вилояти ҳудудидаги тарихий шаҳар, Фурот дарёсининг шарқий қирғоқларида жойлашган) дуч қелишди. Мана шу ерда 600 йил илгари буюк сарқарда Холид ибн Валид розияллоху анху улкан ғалаба қозongan эди, лекин бу сафар, афсуслар бўлсинки, ғалаба мусулмонларга насиб қилмади.

Байжо ҳудди бу ҳудудларни маҳаллий аҳолидан ҳам яхшироқ қилгандай ҳарбий манёврларни бошлаб юборади. У орқага чекинаётгандай кўринади ва мусулмон кўшинини тузукка туширишга уриниб, уларни Фурот дарёси қирғоқларидаги ботқоқликларга етгунча орқасидан қилишга мажбур қилади. Кейин Байжо кўшинидаги муҳандисларни Фурот дарёсидаги барча тўғонларни бузиш вазифаси билан жўнатади. Бу аббосийлар армиясининг орқага қочиш кетишини олдини олиш мақсадида амалга оширилганди. Кейин мўгуллар Ирок армиясини ўраб олишади ва уни кенг қўламда яқсон қилишни бошлашади. Мужохиддин Ойбек отрядининг озгина қисми билан Фурот дарёсининг нариги қирғоғига ўтиб, Бағдодга ўтишни уddалайди. Аббосийлар кўшинининг қолган қисми эса Анбар тупроқларида Байжо кўшини томонидан қириб ташланади.

Мусулмонлар учун фожиа қилган бу воқеа муҳаррам ойининг ўн тўққизинчи санасида содир бўлди, яъни Хулагу Бағдоднинг шарқий деворлари остида пайдо бўлганидан бир ҳафта ўтиб.

Тўқнашувдан кейин Байжо вақтни йўқотиб ўтирмади ва ўз йўлида давом этиб, кейинги қуниёқ Бағдодга етиб борди ва шаҳарнинг ғарбий қисмига жойлашди. Шу билан Бағдод бутунлайига ўраб олинганди: шарқдан – Хулагу, ғарбдан – Байжо. Шаҳарнинг аҳоли борган сари ёмонлашиб борарди... Мусулмон халифалигининг пойтахти бутунлай қамал остида қолганди...

Буюк ҳукмдорлар сулоласи Аббосийларнинг авлоди бўлган халифа Мустаъсим Биллох ўз она шаҳрида – мусулмон давлатининг пойтахтида қамал остида қолиб кетиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилиб кўрмаганди. У бу ҳақда ўйлаганда боши айланиб, мияси фалажланиб қоларди. Тўсатдан пайдо бўлган вазир Ибн Алқамий халифани ўзига

келтиради. Багдод халифалигида узок йиллардан бери хизмат килиб келаётган Ибн Алкакий шиа эди ва албатта, буни ҳаммадан сир тутарди, шу жумладан ўз хукмдори Мустаъсимдан ҳам. Баъзи манбаларда келтирилишича, Алкакий Хулагу билан анча олдиндан тил бириктириб олган. Айнан Алкакий уни мўгулларнинг якин шаркка юриш килишига кўндирган.

Али-Зода “Мусулмон давлатлари тарихи” китобида бу воқеани куйидагича тасвирлаб беради: “Багдоднинг кулашига суннийлар ва шиалар ўртасидаги келишмовчиликларнинг кескинлашуви катта таъсир ўтказди. Хижрий 655 йилда Багдодда суннийлар ва шиалар ўртасида тўқнашув содир бўлди. Шундан сўнг, шиа вазир Ибн Алкакий яширин равишда кўшинлари Багдодга келган Хулагу хон билан тил бириктирди. У хон билан учрашди ва кайтгач, халифа Мустаъсим Биллохга Хулагу хон унинг ҳаётини саклаб қолишни истаётганини ва у ўз вақтида Багдод устидан назорат ўрнатган салжукий султонларидай ҳаракат қилмоқчи эканлигини маълум қилди...”

Халифаликнинг бош вазири Багдодни қандай қилиб “мудоффа”га тайёрлади

Хулагу мўгулларнинг якин шарк юришини бошлашидан олдин, Багдодни химоя қилаётган юз минг кишилик йирик кўшинлардан ҳадиксираб турган бир пайтда, соткин Ибн Алкакий хийла ишлатади. Вазир мўгуллар хужуми ҳавфи сабабли халифани хазинани Багдоддан ташқарига чиқазиб, уни ишончли жойга қўмиб қўйишга кўндиради. Ҳеч нарсадан шубҳа қилмаган халифа бу қалтис ишни амалга оширишга рухсат беради ва вазир 15000лик кўшин билан Багдоддан ташқарига чиқади ва уларни халифаликнинг узок вилоятига жўнатиб юборади ҳамда уларга Багдодга қайтмасликни буюради. Багдодга қайтгач эса, худдики улар умуман мавжуд бўлмагандай, аскарларнинг рўйхати ёзилган қозғаларни шунчаки йўқ қилиб юборади.

Бундай ишни у бир неча марта қилади; ниҳоят, Багдод химоясидаги юз минг аскардан фақатгина ўн мингтаси қолади – қолганлари тарқатиб юборилади, энг аввало сунний – аскарларни шу тарзда йўқ қилади. Ўзининг хийлакор режасини амалга оширгач, Ибн Алкакий Хулагуга бажарган иши ҳақида ҳисобот берувчи мактуб йўллайди ва Хулагу Багдодга ҳужум қилишга қарор қилади ва шаҳар мўгул кўшинларининг зич қуршови остида қолади.

Ва ўша ҳукмдорини ва ислом умматига ҳоинлик қилган вазир саройга қелади ва халифага навбатдаги қалтис қадамни таклиф этади. У Мустаъсимни мўгуллар билан музокаралар ўтказиш лозимлигига кўндиради. Шу билан бирга, халифа жуда қучли ва жуда заиф душманлар ўртасидаги музокаралар ҳеч ҳам тинчлик қилишуви эмас, балки шунчаки сўзсиз таслим бўлиш эканлигини яхши тушунарди. Таслим бўлишнинг эса ўзига яраша қатъий қоидалари мавжуд: енгилган томон қолиб тарафнинг барча шартларига тўлалигича бўйин эгади. Яъни ҳамма нарса “Ўтказганларга алам” тамойилига қўра содир бўлади.

Нима бўлганда ҳам, Хулағунинг олдида икки нафар вакилни дастлабки музокаралар учун жўнатишга қарор қилинади. Қутилганидек, халифанинг элчиси Ибн Алкакийнинг ўзи бўлади, унга эса Багдод черковининг насториан патриархи ҳамроҳлик қилади. Қанчалар ажабланишли бўлмасин, Хулагу билан музокараларда мусулмон давлатининг вакили бўлиб унга умуман алоқаси бўлмаган кишилар иштирок этишаётган эди: амалда аббосийлар халифалигини ёмон қўрувчи соткин шиа ва насроний руҳоний. Вазир Хулағунинг қаршисига гўё тинчлик музокараларини ўтказиш учун кетаётганди, аслида

эса у бу учрашувга ўзининг шахсий ва Багдоддаги шиаларнинг хавфсизлигига кафолат олиш учун борганди.

Сирли “музокаралар” давомиди Хулагу ва гўёки аббосийлар халифалигининг вакили ўртасида муайян келишувларга эришилганди. Халифанинг “элчилари”га Багдоднинг эгалланишидаги кўмаги учун Багдод мусулмон халифалигидан “озод этилгандан” сўнг, Ирокда хукмронлик киладиган янги Бошқарув кенгашида ўрин олиши ваъда этилганди. Албатта, аббосийлар халифалигининг “вакиллари”, кутилганидай, мўгулларга бу борада хар томонлама кўмаклашишга бажонидил рози бўлишди. Кандай килиб улар рози бўлмасликлари мумкин эди, ахир уларнинг орзулари амалга ошаётгандику – мусулмон халифалигини йикитиш, бундан ташқари, бунинг учун уларни яна мукофот хам кутаётганди.

Халифанинг олдида музокара олиб борувчилар мўгулларнинг галати талаби билан кайтиб келишди. Хулагуга Багдодда мўгулларга карши кайфиятда бўлган ва халкни душманга каршилиқ кўрсатишга хамда мукаддас жиход килишга чакирувчи кишилар мавжудлиги хакида маълумот етиб борганди. Агарда шахарда бундай кайфият хукм сурса, тинчлик музокараларини барбод этиши мумкин. Шу сабабли мусулмонларнинг хукмдори Хулагуга бу харакатнинг рахбарларини топшириши лозим, шу каторда халифани жиходга ва каршилиқ кўрсатишга ундаган Мужохиддин Ойбек ва Сулаймоншоҳни хам. Халифа мўгулларнинг бу талабига кандай жавоб берганлиги хакида аниқ маълумот йўқ, лекин хаммага Хулагу ва Ислон душманларининг асл максоди нима эканлиги тушунарли бўлди.

Багдод борган сари мушкулрок ахволга тушаётганди...

Музокарачилар халифа саройи ва Хулагуниги лагери ўртасида муайян натижалар кўлга киритилмагунча бориб – келишда давом этишди. Музокараларнинг натижалари эса, Ибн Алкабий таърифлаганидай, “кутилганидан хам коникарли” эди. Хулагу билан эришилган келишувларга келадиган бўлсак, халифа бажариши лозим бўлган бир канча “кийин бўлмаган” талабларга карамасдан, Ибн Алкабий уларни улкан сиёсий галаба деб хисобларди. Бу келишув куйидаги бандлардан иборат эди:

1. Иккала тарафда хам харбий холатни бекор килиш ва тинчлик муносабатларини ўрнатиш;

2. Юз минлаб мусулмонларнинг конини тўккан мўгулларнинг йўлбошчиси Хулагуниги кизини мусулмонларнинг хукмдори Мустаъсим Биллохнинг ўгли билан никохлаш;

3. Мустаъсим ўз хокимиятини саклаб колади;

4. Багдоднинг барча ахолисига тўлиқ хавфсизлик кафолати берилади.

Лекин бу шартлар факатгина мана бу талаблар бажарилгандан кейингина кучга киради:

1. Ирокнинг барча калъаларини бузиш;

2. Барча мудофаа хандакларини тўлдириш;

3. Барча курулларни топшириш;

4. Багдодни мўгуллар хукмронлигига бериш.

Ва якунида Хулагу халифаниги элчиларига бу ерга факатгина адолат, эркинлик ва хавфсизлик тамойилларига асосланган тартибни ўрнатиш учун келганлигини иддао килади... ва мана шу вазифа бажарилиши билан, ўз кўшинлари билан биргаликда ватанига кайтади ва ирокликларни уларнинг конун ва тартибига мос равишда яшаш учун колдиради.

Ушбу келишув, айникса мўгул йўлбошчисининг охирги баёоти халифада умид уйғотади, лекин Хулагу томонидан мазкур ахдларнинг бажарилиши катта шубха тугдирарди. Шунингдек, Хулағунинг талаблари етарлича шафкатсиз эди. Уларнинг бажарилиши мусулмонларни келгусида қаршилик кўрсатиш имкониятидан маҳрум қилар эди. Бошқа тарафдан эса, халифа ўз мамлакатининг ҳукмдори бўлиб қоларди, лекин мўғулларнинг бошқаруви остида. Бу, албатта, барча мусулмон олами ҳукмдорини қамситиш ва ҳақоратлаш эди, лекин, ҳар ҳолда у тирик қолаётган эди.

Хеч нарсага карамасдан, халифани гумон тарк этмаётганди. Ва халифа бошқараётган халк хам ана шундай шубхада эди. Улардан жуда хам кам кисми жиходга туриб, Ислом душманига каршилик кўрсатишга чакирарди. Бошқалари эса, яъни Багдод ахолисининг аксариятининг, мўгуллардан кўрков сабаб “жонлари товонларига тушганди”.

Шунинг учун, халифага давомли фикрлаш ва охирги кунларда бўлаётганларни тахлил килиш учун кўпрок вақт зарур, чунки у жуда мураккаб қарор қабул килиши керак эди. Картага бутун ислом оламининг тақдири қўйилган эди. Шаҳар деворлари остида мўғулларнинг қонхўр бераҳм лашкарлари турарди, ортида эса, яъни шаҳар ичида – жуда кўп миқдорда қўрқув ичидаги Бағдод аҳолиси бор эди. Нимадир қилишга, энди кеч эди, чунки Хулагу унчалик кўп қутишни хоҳламасди, чунки кўпсонли қўшинни Бағдод деворлари остида ушлаб туриш, унга қунига бир неча минг динорга тушаётган эди. Бағдод қамали давом этарди, 1258 йилнинг январини бўлиб (хиджий 656 йилнинг муҳаррам ойи), қиш қаҳратони авжида эди. Ва шундай совуқ ҳавода шаҳар деворлари остида мана шу гўзал шаҳарни ичкаридан қўришга ихлосманд бўлган мўғул қўшини турарди... Улар шундай ҳолатда халифанинг жавобини қутишадими?..

Багдод кулашидан олдинги охирги музокаралар

Охирги кунларда халифаликнинг пойтахти атрофида содир бўлган барча воқеалардан кейин, Бағдоднинг кулаши муқаррар эканлиги тушунарли эди. Мўғулларнинг қонхўр йўлбошчиси Хулагу янги “дўсти” халифа Мустаъсимнинг мўғулларнинг таклифлари ҳақидаги ўзининг узок муддатли ва чуқур мулоҳазаларини тугатишини кутишни энди хоҳламасди. Хулагу халифага кескин талаб қўяди, бу билан у жавоб бериш муддатини чегаралайди ва улар бажарилмаганда жиддий оқибатлар юзага келиши мумкинлиги билан таҳдид қилади. Бу Хулагу эндиликда ҳеч қандай музокаралар ҳақида эшитишни хоҳламаётганидан дарак берарди.

Багдоднинг тўрт кунлик ўкка тутилиши

Багдод томонидан жавобни кутмасдан туриб, мўгуллар Багдодни тошли ва оловли ўкка тутта бошлашди. Бунинг учун Хулагу ўша давлардаги энг янги харбий техникадан фойдаланади. Деворлар, касрлар, калъалар ва бошқа уйлар ҳамда Багдоднинг иншоотлари манжаниклар (кадимий тош отиш курули) ёрдамида кенг микёсда дахшатли ўкка тутилди. Дунёдаги энг химояланган шаҳар ўзининг тарихи давомида биринчи марта кўркинчли вайронкорликка дуч келганди. 1258 йилнинг январида мўгуллар Багдод деворларини яқсон қилиш бўйича ҳаракатларни бошлашди.

Бағдодни ўққа тутиш хижрий 656 йилнинг сафар ойида бошланди ва тўрт кун давомида тўхтовсиз давом этди. Шу билан бирга, шаҳар томонидан айтилиши мумкин бўлган қаршилик кўрсатилмаганди.

Арафа исмлиқ канизакнинг халок бўлиши

Ибн Касир ўзининг “Ал-Бидоя ван-Нихоя” китобида бу воқеаларга ҳеч қандай изох бермасдан, уларни қуйидагича тасвирлайди:

“Мўғуллар халифанинг саройини ҳар томондан ўққа тутишарди ва ўқлардан бири халифанинг қўнглини хушлаётган асирага тегади. Бу асира унинг канизакларидан бири бўлиб, унинг исми Арафа эди. Бир нечта ойналар орасидан ўқиб қирган ўқ, халифа олдида рақс тушаётган канизакни ўлар даражада яралайди. Воқеаларнинг бундай тарздаги ривожини халифани даҳшатга солади, у жуда ҳам қўрқади. У бевосита яқинидаги инсонни яралаган ўша ўқни олиб келишни буюради. Ўқни олиб келишганда, унда қуйидаги ёзувлар борлигини аниқлашади:

“Яратган Аллоҳ Ўз Иродаси ва тақдирини (қадар) амалга оширмоқчи бўлса, У ақлли инсонларни онгидан маҳрум қилиб қўяди”.

Ажабланарлиси, Ибн Касирнинг ўзи халифанинг саройида содир бўлган ушбу воқеага ҳеч қандай изох бермайди. Бу воқеа, бир лаҳзалиқ бўлишига қарамасдан, жуда катта аҳамиятга эга эди... Бағдод аҳолисининг деярли барчасининг, биринчи навбатда – халифа Мустаъсимнинг қалбини дунёвий ташвишлар эгаллаб олган эди.

Тасаввур қилиб қўринг-а, бутун умматни ҳимоя қилиш вазифаси юқлатилган мусулмон оламининг ҳукмдори, ана шундай муҳим бир пайтда, ҳавфли вазиятда вақтини қўнғилхушлиқлар билан ўтказмоқда. Албатта, ўзидан бошқа қўрмайдиган ҳолда, ўз асирасининг рақс тушишини томоша қилишнинг ҳеч қандай ёмон томони йўқдир. Лекин ана шундай вақтда-я? Халифанинг бошида онг бўлган дейиш мумкинми? Ислоҳ оламининг пойтахти қамалда, ўлим шунчалар яқинки, мўғул манжаниқлари (қадимги тош отиш қуроли) деворларни яқсон қилмоқда, оловли ўқлар уйларнинг томларини ёқмоқда, шаҳар аҳолиси қийин ҳаётий шароитда, халифа эса ана шундай бир вақтда канизагининг рақслари билан қўнғилхушлиқ қилмоқда. Бу ерда соғлом онг қани, донишмандлик нимада?

Бу саволларга энг яхши жавобни ўша асирага теккан ўқ берди. Унда ёзилган сатрлар эса, шакллланган вазиятга аниқ тушунтириш берарди. Яратган Аллоҳ Таоло томонидан ўша пайтда Бағдоднинг қулаши битиб қўйилганди ва У халифа, унинг ёрдамчилари ва бутун халқни амалда онгдан маҳрум қилиб қўйганди.

Бунга халифанинг ана шундай ҳалокатдан кейин ҳам, умумхалқ сафарбарлиги ҳақида буйруқ чиқазмаганлиги гувоҳлик беради, ахир халифанинг саройи ҳам ҳатар остида қолганди-ку. Халифа шунчаки сарой ҳимоясини қучайтиришни буюради ҳолос.

Сўнги музокаралар

Мўғуллар шаҳарни кетма-кет тўрт кун ўққа тутишди. Тўртинчи кун эса шаҳарнинг шарқий қисмидаги деворлари сезиларли даражада лат еди. Бу дегани аббосий халифаларнинг санокли қунари қолди дегани эди. Жуда қам вақт қолди...

Ўшанда халифа ўзининг хиёнаткор вазири Муайядаддин Ибн Алқамийга маслаҳат сўраб мурожаат қилади. Вазир эса унга Хулағу билан шахсан музокара олиб бориш учун, унинг қаршисига чиқишни маслаҳат беради.

Хулағуга кейинги музокараларни олиб бориш учун унинг олдида халифанинг ўзи келаётганлигини ҳабар қилиш мақсадида зудлик билан чопарлар жўнатилади. Хулағу рози бўлади, лекин шарт қўяди. Унинг шартига қўра, халифа давлатнинг энг сара

инсонлари, вазирлар, кўмондонлар, шаҳарнинг кўзга кўринган кишилари, факихлар ва бошқа ислом уламолари билан биргаликда келиши, уларнинг барчаси музокараларда иштирок этиши лозим эди.

Бу борада ўзгача фикрга эга бўлмаган ночор ахволдаги халифа буни қабул қилади. У ўша инсонларни тўплайди ва давлатнинг 700 нафар энг яхши эркаклари – олимлар, факихлар, козилар, сўфийлар, кўмондонлар, ҳокимлар ва шаҳарнинг муҳим кишилари қуршовида Багдоддан чиқади. Уларнинг бари суннийлар эди. Шаҳарнинг шарқий дарвозасидан чиққан халифа Мустаъсим Хулағунинг қароргоҳига қараб йўналади. Унинг кўзлари намли, томирларидаги қон тўхтаб қолган, нафас олиши тезлашган ва юрак уриши кучайганди. Халифа таҳкирланган ва ҳақоратланганди. Ўз саройида шох ва ҳукмдорларнинг вакиллари қабул қилган халифа, аждодлари шу шаҳарда ўтириб, бутун дунёга ҳукмронлик қилган халифа, ҳозир ундан қамситилган ва ҳўрланган ҳолда чиқарди.

Халифа ўзининг қўп миқдордаги вакиллари ва вазири Ибн Алқамий билан биргаликда Хулағунинг қодирига яқинлашганда, у тўхтатилади. Мўғулларнинг йўлбошчиси ҳузурига киришдан олдин, уларни иккига ажратиб қўйишади. Фақат халифа ва унга ҳамкорлик қилаётганлардан ўн етти нафарига Хулағунинг олдига киришига изн берилади. Қолганлари гўёки синчиклаб кўздан кечириш мақсадида ушлаб қолинади. Лекин улар текширув учун эмас, қатл учун олиб қолинганди. Халифанинг ўзи, унинг фарзандлари, вазири ва яна бир қанча кишидан ташқари барча қелган вакиллар талон-тарож қилиниб, сўнг қатл қилинади.

Аббосийлар давлатининг қабила бошлиқлари, халифаликнинг вазирлари, шаҳарнинг машҳур ва обрўли инсонлари, факихлар ва олимлар ўлдирилади. Халифага қеладиغان бўлсак, Хулағу уни тирик қолдиради, чунки ундан кейинчалик ўз мақсадларида фойдаланиш режаси бор эди. Хулағу шафқатсизлик ва қибр билан буйруқ бера бошлаши билан, халифа вакиллари мўғуллар қириб ташлаганини тушуниб етади. Фақат у бошқа инсонларга анчадан бери аниқ бўлган, лекин у қўра олмаган ҳолни энди тушуниб етганди. У мўғуллар ва уларга ўхшаганлар сўзларининг устида турмаслигини ва ваъдасига вафо қилмаслигини англаб етганди. Бундайларга ишонч йўқ эди. Шунингдек, халифа ҳар қандай ҳуқуқни ҳимоя қилиш учун қуч қерак эканлигига иқрор бўлди. У ҳимоясиз қолганига эса, ўзидан бошқани айблай олмас эди. Лекин, минг афсуски, у буни жуда ҳам қеч тушуниб етганди.

Халифа Мустаъсимнинг таслим бўлиши

Бир вақтлар Хулағунинг Аббосийлар давлати йиллик даромадининг ярми эвазига халифа билан тинчлик қелишувини тузиш фикри уйғонганди, лекин лаънати Ибн Алқамий уни бу фикрдан қайтаради: “Агарда сиз бу шартларда қелишадиган бўлсангиз, у ҳолда бундай қелишув фақатгина бир ёки икки йил давом этиши мумкин, ундан қўп эмас. Шундан кейин ҳаммаси илгаригидай ўз ўрнига қайтади. Халифани ўлдириб, Багдодни яқсон қилганингиз маъқулроқ”. Худди шундай фикрни умматнинг яна бир бошқа ҳоини Носир Тусий ҳам билдиради, уни Хулағу Аламут олинғач, ўзининг маслаҳатчиси қилиб тайинлайди. Унғача у Шамс аш-Шумус ва унинг отаси Алауддиннинг вазири бўлган.

Халифанинг таслим бўлиш шартлари

Бу орада конхўр Хулагу ўзининг талабларини санай бошлайди:

1. Халифа Багдод аҳолисига курулларини топиришга ва ҳар қандай қаршилик қўрсатишдан воз кечишларига буйруқ бериши керак;

Бу бажарилиши жуда осон бўлган талаб эди, чунки шаҳар аҳолиси аксар қисмининг курул қўтаришга қучи йўқ эди. Шунингдек, уларда бунга хоҳиш ҳам йўқ эди.

2. Мусулмонларнинг халифасини қўриқ остига олиш, мўғулларга Аббосийларнинг яширин бойликларининг жойини қўрсатиши учун, уни қишанбанд ҳолда шаҳарга қайта етказиб қўйиш;

У Аббосийлар саройидаги ва мусулмонлар газнасидаги олтин, қумуш, ноёб буюмлар ва ҳар қандай моддий қийматга эга бўлган нарсалари бор жойларни қўрсатиши лозим эди.

3. Халифанинг ҳар иккила ўғли унинг қўз ўнгида қатл этилади;

Дастлаб тўнгич ўғил Аҳмад Абу Аббос ўлдирилади, кейин эса шу тариқа ўртанча ўғил Абдурахмон Абу Фузоил қатл этилади. Сўнгра халифанинг учинчи ўғли Муборак Абу Муноқиб ва унинг опа – сингиллари Фотима, Ҳадича ва Марям қўлга олинади.

4. Халифа Хулағунинг қароргоҳига баъзи қишиларни қажиртириши лозим;

Бу қишилар ҳоин Ибн Алқамий нома-ном қўрсатиб берган инсонлар эди. Улар Ибн Алқамий жуда ёмон қўрган, аҳли суннанинг уламолари (суннийлар) эди. Деярли уларнинг барчаси Хулағунинг ҳузурига қажирилади. Улардан ҳар бири белгиланган вақтда бутун оиласи билан шаҳардан қиқиши ва уларга қўрсатилган жойга қелиши керак эди. Ўша ерда қутиб турган мўғул аскарлари уларни ҳудди қурбонлик жониворлари сингари қўйиб ташлашарди, хотини ва болаларини эса асир қилиб олиб қетишар ёки биргаликда қатл этишарди. Вазият ҳар томонлама қаралганда, жуда ҳам даҳшатли эди. Ана шундай тарзда устоз Мухйиддин Юсуф ибн Шайх Абу Фараж Ибн Жавзий – бутун ислом оламидаги машҳур олим ва вазир Ибн Алқамийнинг душмани ўлдирилганди.

Мўғуллар, шунингдек, унинг учта ўғилларини ҳам бирин-кетин қўйиб ташлашади:

Абдуллоҳ, Абдурахмон ва Абдулқарим. Шаҳардаги қаршилик ҳаракати раҳбарлари ва халқни мўғулларга қарши жиҳодга ундаган Мужоҳиддин Ойбек ва унинг ҳамфироқ Сулаймоншоҳлар ҳам ваҳшийларча ўлдирилади.

Ҳудди шундай қисматга халифанинг устози ва мураббийси Садриддин Али Найяр ҳам қуч қелади. Шундан сўнғ барча имомлар, масжид хатиблари ва Муқаддас Қуръоннинг ҳафизлари қириб ташланади.

Натижада Багдод масжидларида бир неча ой мобайнида на жамоат намозлари, на жума намозлари ўқилади. Хиёнатқор Ибн Алқамий айнан мана шуни хоҳлаганди – бўшаб қолган масжид, мадраса ва бошқа диний марказлар шиялар томонидан эгалланиб, шу орқали Багдод шия – рафизийларнинг диний марказига айланиши лозим эди. У, шунингдек, Багдодда йирик шиялар мадрасасини қуришни орзу қиларди, бунинг натижасида шиялик бутун дунёга тарқалиши назарда тутилганди. Унинг орзу – истакларининг охири эса ислом оламига шия халифани раҳбар қилиб қўйиш эди.

Яхшиямки, Аллоҳ Таолонинг иноятига қўра, Ибн Алқамийнинг бу ва бошқа режалари амалга ошиши қисмат эмас эди. Ушбу воқеалардан бир неча ой ўтиб у бу дунёни тарқ этади. Қал ўтмай мўғуллар томонидан унинг ўрнига тайинланган ўғлига ҳам худди шундай тақдир насиб этади.

Бу ваҳшийликларнинг барчаси қўлдан бой берилган имқониятлар ва ўз ҳуқуқронлиги даврида йўл қўйилган ҳатолар учун қаттиқ афсус – надоматда бўлган халифанинг қўз ўнгида қодир бўларди. Агарда ўз мажбуриятларига шунчалар совуққонлик билан қарамаганда эди, барчаси бошқача бўлиши мумкин эди. Лекин, айтишадиқу: “Тарих истак,

шарт майлини кўтармайди”.

Ана шу ҳамма вақт давомида халифа Хулагу унинг вазири Ибн Алкамийга дўстона муносабатда эканлигини кўради. Факат шундагина унга хакикат очилади ва у ҳар жабхада жуда ҳам ишонгани, Аббосийлар халифалигининг бош вазири хоинлик килгани равшанлашиб қолади. Халифа Мустаъсим энди давлат ишлари номуносиб инсонларга топширилишининг натижаси нима бўлишини тушуниб етганди. Лекин бунинг барчаси жуда ҳам кеч аниқланганди, ўтган кунларни эса ортга қайтаришнинг иложи йўқ эди...

Буюк шаҳар талон-тарож қилишга берилди

Бағдод аҳли таслим бўлиш учун қуролларини ташлади ва мўғуллар юқорида зикр қилинган барча одамларни қириб ташлаб, шаҳарга бостириб қирди. Хулагу ўзининг босқинчи қўшинларига бир ҳафта давомида Бағдодни талашга рухсат берди. Яъни, мўғул аскарлар учун шаҳарда нима истаса, шуни қилишга изн берилди. Улар Бағдод аҳлидан бўлган одамларнинг истаганини ўлдириши ёки асир олиши, талаши, зўрлаши ёки уйларига ўт қўйиши ёки шунга ўхшаш қабохатларни қилиши мумкин эди. Мўғуллар қалласига нима ўй келса шуни қилдилар.

Бир вақтлар фатх учун жуда кўп аскарларни чиқарган шаҳар; Ислом умматининг буюк уламулари дарслар берган, даъватлар қилинган шаҳар; илм олиш учун талабалар ошиққан шаҳар! Қани химоячиларинг, қани мард ўғлонларинг?! Бугун Бағдод душман учун ўзининг дарвозаларини ланг очди ва ҳеч қим қаршилиқ қўрсатмади.

Абу Ханифа, Шофеъий, Аҳмад ибн Ханбал қаби мужтаҳидлар яшаган шаҳар; бир йил җиходга, кейинги йил ҳажга чиққан Хорун Рошид қаби буюк халифалар ўтган шаҳар; сўнгги беш аср ичида Ислом дунёсининг пойтахти саналган шаҳар одамларга ҳайвонлардан ҳам баттар муносабатда бўладиган мўғул аскарларига талон-тарож қилиш учун берилди.

Бағдодда мўғуллар қилган ишга ақл бовар қилмайди. Улар мусулмонларни таъқиб қилдилар, уларни қўчалар ва шаҳар майдонларида ўлдиришга тушдилар. Сўнг улар ҳар бир уй, бог, мадраса ва масжидларга қириб, қуролсиз, химоясиз ва ожиз мусулмонларни ўлдиришга тушдилар. Мусулмонлар яширинишга уринишди, уйлари ва турли хил жойларга берқиниб олишди. Бироқ мўғуллар яширинган жойларидан топиб, мусулмонларни қиличдан ўтказдилар. Баъзи мусулмонлар уйлариининг томларига яшириндилар, мўғуллар бу бечораларни у ерда ҳам тирик қолдирмадилар. Сўйилган мусулмонларнинг қонлари томларининг тарновларидан ҳам оқиб турди. Жуда кўп мусулмонлар қудуқлар, пичанхоналар, ахлат оқиб кетадиган тармоқлар, ахлатхоналар ва қазилган чуқурчаларга яширинишга уриниб қўрди. Ҳеч қим нажот топа олмади, мўғуллар Бағдод аҳлининг барчасини қириб ташлади, илло зиммийлардан бўлган яҳудий ва насронийларга тегилмади. Ҳамда хоин Ибн Алкамий уйига яширинган шиаларга ҳам ҳеч қим тегмади...

Мўғуллар босқинидан Бағдод талофати ва халифанинг ўлими

Мўғуллар нафакат эркакларни, балки аёл ва ёш болалар, қари ва ҳатто чакалоқларни ҳам қатл қилиб ташлади. Мўғулларнинг бир асқари ота-оналари қатл қилинган қирққа яқин болаларни қўчада топиб олади ва ҳеч тап тормай, уларнинг барини қиличдан ўтказади. Иккинчи, учинчи, ўнинчи кун ўтарди, бироқ қотилликлар тўхтамасди,

мусулмонларни кириш давом этарди. Хеч ким каршилиқ кўрсатишга ҳам ҳаракат қилмасди. Ҳамма дахшатда эди, одамлар мўғулларни енгилмас ҳатто уларга жароҳат ҳам етказиб бўлмади, деб каттиқ ишонишган эди.

Халифанинг ҳолатнинг нақадар мудҳиш эканини англаши

Кўлга олинган халифани шаҳарнинг яқсон қилинишини ва ҳаттоки унга кўркинчли тушида ҳам қирмаган мана шу дахшатнинг барчасини томоша қилишга мажбур қилишади. Бутун ислом умматининг ҳукмдори ўзига бундай жазо берилиши мумкинлигини тахмин ҳам қилиб кўрмаганди. Ҳақиқатда бу шахсан унинг учун жуда катта ҳалокат эди. Кўз ўнгида Хулагу икки ўғлини ўлдиради, учинчи ўғли ва қизларини асирликка олади, унинг вазирлари, олимлари, имомлари, хатиблари ва ҳафизлари қириб ташланади. Ўзининг ва давлатнинг барча ишларини ишониб топширган, унга энг яқин бўлган инсон халифалиқнинг қўшинини тарқатиб юборган, энг ёмон хиёнаткор бўлиб чиқади. Унинг барча бойлиги, газнаси, захираси ва бошқа мол-мулк талон-тарож қилинади. Шунингдек, бутун шаҳар ҳам таланади ва унинг юз минглаган аҳолиси кўз ўнгида яқсон қилинади. Буюк Аббосийлар давлатининг пойтахти олов ичида ёнар, унинг бекиёс архитектураси эса ҳаробага айлантирилганди. Қарча қарасангиз, шаҳарда фақат кўркинчли юзла мўғул аскарларини кўрар эдингиз. Улар экинга ҳамма қилган қиғиртка мисол шаҳарга бостириб қиришди ва уни саҳрога айлантиришди. Халифанинг қўли, оёғи ва бўйнига қишан солинганди, уни ҳудди туя қабри етаклаб юришади ва у мана шу дахшатни ўзининг кўзлари билан кўради... Шубҳасиз, ундан бундай фикрлар ўтган бўлса қарча: “Мен бунга қадар ўлганим ва ҳамма томонидан унутилганим яхши эди!!!”

Халифанинг қатл қилиниши

Халифа Мустаъсим кўрган барча воқеаларидан кейин ўзининг қасрига, ҳос хонасига олиб қирилади ва қонхўр Хулагу уни қатл этишни буюради. Лекин Хулағунинг атрофидаги қишлоқларнинг баъзилари қизик бир қарачи илғари қиришади. Уларнинг айтишича: “Агарда мусулмонлар халифасининг қони ерга тўқиладиган бўлса, орадан қанча вақт ўтса ҳам, кейинчалик мусулмонлар унинг қонини талаб қилиши мумкин. Шунинг учун халифани қонини тўқмасдан қатл қилиш лозим”.

Бу фикрнинг, албатта, ҳақиқат билан ҳеч қандай умумийлиги йўқ эди. Мусулмонлар ҳар қандай ҳолда ҳам халифанинг ва мўғуллар томонидан қириб ташланган мусулмонларнинг қони учун қасд олишарди. Лекин, шунга қарамасдан, Хулагу ушбу маслаҳатга қулоқ тутарди. Қўпчилик манбаларнинг айтишича, мўғуллар халифани босиб, оёқ ости қилиб ўлдиришган.

Хулагу халифани оёқлар билан босиб – қириб ўлдиришга буюради. Ўз қўмондонларининг буйруғига бўйсунган мўғуллар халифани ерга ётқизадилар ва уни ўлғунига қадар оёқлари билан босиб ётадилар.

Буюк Аббосийлар халифалигининг ҳукмдори мана шундай ҳақоратомуз тарзда ўлдирилади. Мусулмон уммати ўз халифасидан айрилади. Бу нафакат Бағдод ва Аббосийлар халифалигининг қулаши эди, бу билан бирга бутун халқ ҳам йиқилаётган эди.

Бу Бағдод дарвозалари очилиб, мўғуллар шаҳарга қирганининг ўнинчи қуни, ҳижрий 656 йил сафар ойининг 14 қуни содир бўлганди. Ўлим қуни халифа Мустаъсим қирқ олти

ёшда эди. Уни ўлдиришди ва номаълум жойга дафн қилишди, лекин Багдоднинг буюк фожеаси халифанинг ўлими билан тугагани йўқ, халкнинг изтироблари давом этарди. Хулагу ўз аскарларига Багдод аҳолисини қиришда давом этишга буйруқ беради. У дунёдаги энг йирик шаҳарни мўғуллар қандай ахволга солганлиги, кейинчалик уларга қаршилиқ кўрсатадиганларга ўрнак бўлишини истарди. Хулагу қўшинининг бебошчилиги шаҳар таслим этилганидан кейин ҳам, яна қирқ кун давом этади.

Багдодда уммат миллиондан ошиқ мусулмонни йўқотди

Шу вақт ичида қанча мусулмон ҳалок бўлган деб ўйлайсиз? Умумий ҳисоб бўйича миллиондан ошиқ: эрқагу-аёл, ёшу-қарилар ўлдирилди. Ўлган мусулмонларнинг аниқ сони бўйича тарихчилар орасида ихтилофлар бор. Баъзилари 800 минг деса, бошқалари бир миллиондан ошиқ дейди, учинчилари эса бир миллион саккиз юз минг дейишади. Икки миллиондан ошиқ мусулмон ўлганлиги ҳақида айтганлар ҳам бор. Қирқ кун ичида бир миллиондан ошиқ мусулмонлар ўлдирилди. Тушуняпсизларми, қирқ кун ичида умматимиз бир миллион мусулмондан айрилган. Бу жуда катта фожиа – катастрофадир. Ўша мудҳиш кунларда шиалар ёрдамида шаҳарнинг сунний аҳолисининг аксари қириб ташланди. Ибн Алқамий ўзи билладиган суннийларнинг ҳаммасини шахсан ўзи буйруқ бериб ўлдириб юборади. Хунрезлик қирқ кун давом этди. Жуда кам одам омонда қолди. Бироқ бу нарсалар, мусулмонларни синдира олмади, алҳамдулиллах. Улар фожияни мардона енгиб ўтдилар ва Аллох таолонинг иродаси туфайли мусулмон умматининг аввалиги шухратини қайтара олишди.

Мўғулларнинг Багдод маданиятини йўқ қилиши

Мўғул қўшинларининг бир қисми шафқатсиз тарзда Багдод аҳолисини қириш билан оворо бўлиб турган бир вақтда уларнинг бошқа бир қисми бундан ҳам баттар жиноят билан машғул эди. Бу шундай жиноятки, унда на бир мантиқ на бир эҳтиёж бор эди. Балки бу жиноятларда мағулларнинг қалбида яширинган Ислом тамаддуни ва маданиятига нисбатан ёндирувчи бир нафрат ва адоват бор бўлиб, бу нарса уларнинг кўзларини кўр қилиб, бундай жирқанч жиноятни қилдираётган эди. Мўғуллар мусулмонлардан маданият ва бошқа жихатдан анча қолоқ бўлганига қандай олишмади. Мусулмон уммати узок ва бой тарихга эга эди. Ислом дини ва дунёвий илм-фаннинг турли соҳалари бўйича ўн минглаб олим-уламоларни берган эди. Бу олимлар Ислом маданиятини ўзларининг илмий асарлари билан бойитган бўлса, мўғулларда ҳеч қандай маданий мерос йўқ эди. Хитой далаларида пайдо бўлган бу халқ ўрмон қонуни бўйича яшар эди, ҳудди йўлда қимми кўрса ўлдирадиган вахший хайвонлар қаби.

Мўғуллар Багдодда қилган жиноятлари

Мўғул қўшинининг катта бир гуруҳ бадбахт аскарлари Багдоднинг энг катта кутубхонасини қайрон қилиш мақсадида у тамон қараб юра бошлади. Бу кутубхона ўша даврнинг энг йирик кутубхонаси бўлиб, кутубхонанинг қитоб фондида олти асрлардан бери Исломнинг олим-уламолари тарафидан тафсири, ҳадиси, фикҳ, ақида, одоб, тиббиёт, астрология, геометрия, қимё, физика, жугрофия, сиёсатшунослик, иқтисод,

социология, адабиёт, тарих, фалсафа ва бошка илмлар бўйича ёзилган ва асрлар оша кўз карочигидек асраб, йигиб келинаётган бебаҳо ва дурдона асарлар жамланган эди. Бундан ташкари Багдоднинг йирик кутубхонасида юнон, форс, хинд ва бошка тиллардан таржима килинган илмий асарлар ҳам жуда кўп эди. Бошқача айтадиган бўлсак, мазкур кутубхона ўша даврнинг энг йирик бир катта мўъжизаси эди.

Багдоднинг катта кутубхонаси барча ўлчовларга кўра йирик иншоот эди. Бу маскан билан факат Андалусиянинг Куртубадаги Ислом кутубхонаси тенглаша оларди. Бирок афсуслар бўлсинки, Куртубадаги Ислом кутубхонасининг бошига Багдод кутубхонасига тушган кунлар тушди. Багдод йиқилишидан йигирма йил олдин, насронийлар Куртубани босиб олгач кутубхонанинг кулини кўкка совирган эди.

Умуман олганда, мўгулларнинг бу уруши маданият ва тамаддунга, Ислом ва динга карши эди. Бошқача айтганди, бу уруш бутун инсониятга карши уруш эди.

Багдоднинг улкан кутубхонаси

Мўгуллар Багдоднинг катта кутубхонасини қандай йўқ қилганини ҳақида гапириб беришдан олдин кутубхонанинг ўзи ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак.

Багдоднинг катта кутубхонаси Ислом академияси “Байтул хикма” қошида ташкил қилинган бўлиб, беш аср мабойинида ҳеч қандай муболагасиз дунёнинг энг йирик илмий маркази бўлган. Ҳозирги кутубхоналар билан қиёс қиладиган бўлсак ҳам мазкур кутубхона жуда катта эди. Илм-фаннинг барча соҳаларида ёзилган китоб, асарлар билан доим тўлдирилиб турилар эди.

Бу кутубхонага аббосийлардан бўлган Хорун Рошид тарафидан 170-193 хижрий йилларда асос солинган. Айниқса халифа Мамун даврида кутубхона янада ривожланди. Кейинги Аббосий халифалар ҳам мазкур кутубхонани янги китоблар ва илмий асарлар билан бойитиб борди. Шу тарзда Багдод кутубхонаси энг йирик илм масканига айланди. Миллион-миллион жилд қимматбаҳо китоблар ва илмий асарлар жамланди. Тасаввур қилиб кўринг-а, ўша даврда на нашриётлар, на китобларни босадиган босмахоналар бор эди.

Кутубхона махсус бинода жойлашган бўлиб, унда барча илмларга оид китоблар жамланган эди. Кутубхона вестибюл ва катта гумбазсимон хонадан иборат эди. Бу хонага туташ бошқа кўп хоналар ҳам қурилган эди. Улар асосан ўқув заллари вазифасини бажариб, ҳар қайсини мўян бир махсус илм учун ажратилган эди. Деворларда махсус сандиклар ва китоб жавонлари жойлашган эди. Ҳар бир соҳа бўйича алоҳида сандик бор эди ва маълум тартида тузилган китоблар номи ёзилган рўйхат турарди (каталог). Масалан, фикх, тиббиёт, қимё, ижтимоий фанлар учун алоҳида сандиклар бор эди.

Кутубхонада юздан ошқ ҳожимлар хизмат қиларди, улар тартиб-интизомга, кутубхона фондини бойитишга ва ўқувчиларга хизмат қилиш билан банд эдилар. Баъзи ходимлар китоблардан нусха қилар, чунки ҳар қайси китобдан бир нечта нусха бўлиши керак эди, баъзилари эса, хорижий тиллардаги китобларни арабчага таржима қилар, бошқалари эса китоб излаб қелганларга китобларини топишда ёрдам берарди.

Бундан ташкари қироатхона ва дарс олиш учун алоҳида хоналар, илмий бахслар, мажлис ва анжуманлар олиб бориш учун барча шароитлар муҳаё эди. Кутубхоналар қошида дам олиш ва ошхоналар учун махсус хоналар мавжуд эди. Мусофир ва талабалар учун ҳам алоҳида хоналар ажратилган эди. Умуман олганда бу масканни кутубхона дейишнинг ўзи

камлик килади, бу маскан ҳеч бир муболагасиз йирик бир илмий университет эди. Таржима ишларининг яхши йўлга қўйилгани сабаб, кадимги юнон ва бошка тилларда битилган илмий асарлар араб тилида гаплашувчи олимларга ҳам фойдаланиш учун қулай ва осон бўлган. Кадимги Эрон ва Хиндистон маданиятининг юткулари билан ҳам танишиш имкони бор эди. Кадимги Юнон ва Рум олимлари ва файласуфларининг асарлари араб тилига таржима килинганилиги учун ҳам бизларга етиб келган. Мусулмон олимлар юнон, форс ва хиндларнинг илмий меросларини ўздаштиришдан ташкари ўзлари ҳам жуда кўп илмий кашфиётлар килишди. Оламни илмга тўлдириб ташлашди.

Византия устидан қозонилган ғалаба ортида тузилган Халифа Мамун ва Византия императори ўртасидаги битимда Константинопол кутубхонасидаги барча китоблардан мусулмон олимлари ва таржимонлари тўлиқ фойдаланиши учун рухсат берилиши ҳақида банд бор эди.

Мусулмонлар илмларнинг кадрини жуда яхши билишар эди. Улар ниҳоят даражада катта диққатлик билан математика, астрономия, тиббиёт ва бошка илмлар бўйича кадимги юнон тилида битилган китобларни йиғишар, таржима қилиб, ўрганишар эди. Бу ишлар айниқса, халифа Мансур даврида ўз авжига чиқди. Халифа Мансур Византия императоридан математикага оид кўлёзмаларни юборишини сўраб мактуб ёзганлиги ҳақида маълумотлар бор. Юнон тилидан таржима қиладиган бош таржимонлардан бўлган ибн Исхок икки йил Византияда таҳсил олиб келди. У Бағдодга қуруқ кўл билан келмаган, аксинча у ўзи билан бирга жуда кўп кўлёзмаларни ҳам олиб келган. Аббосий ҳукмдорларнинг қошида махсус ходимлар бўлиб, уларнинг асосий вазифаси қайси тилда бўлишидан қатъий назар дунё бўйлаб, илмий китобларни йиғиш бўлган. Сўнг, бу китоблар таржима қилиниб, ислом уламоларининг қўриғидан ўтказиб Бағдоднинг катта кутубхонасига жойлаштирилар эди.

Шу тарзда юнон, ассирия, хинд, санскрит, форс, латин ва бошка тиллардан жуда кўп китоб ва илмий асарлар таржима қилинди. Бағдод кутубхонаси ана шу китоблар билан тўлдирилган бўлиб, ўша давр илм-фанининг ҳар бир йўналишига оид китоблар билан бой эди.

Мўғуллар аввалига Бағдод кутубхонасининг барча китобларини ташкарига олиб чиқишди. Кўпчилик улар китобларни мўғуллар давлатининг пойтахти Қорақумга олиб кетишди ва сўнг ўзларининг фойдалари ва манфаатлари учун фойдаланса керак деб ўйлашди. Чунки мўғулларда ҳали тамаддун деган нарсаси йўқ ва тамаддун ҳали барпо қилиниши керак эди. Бироқ мўғуллар ваҳший ва ёввойи халқ эканини яна бир бор исботлашди. Уларнинг на ўқишга на ўрганишга иштиёқи бор эди. Улар факат еб-ичиб, нафслари ва шахватларини қондирса бўлди эди. Уларнинг бирдан-бир мақсади йўлида учраган нарсаларни бузиш ва талон-тарож қилишдан иборат эди. Миллиондан ошиқ китоб ва асарлар Дажла дарёсига отилди. Ўткан асрлардаги Ислом уламоларининг шунча меҳнатлари мўғуллар тарафидан сувга окизилди. Суга отилган китоблар шу даражада кўп эдики, дарёда китоблардан тўсиклар (кечувлар) пайдо бўлди. Улардан одамлар бемалол ўтадиганлари ҳам бор эди. Сувга отилган китобларнинг сиёҳларидан дарё суви қора рангга бўялди. Умуман олганда мўғулларда бунёд қилиш, такомиллаштириш ва ниманидир ислох қилиш нияти бўлмаган. Уларнинг асосий мақсади кўзларига қўринган барча нарсаларни вайрон, толон-тарож қилиш эди. Булар ислом уммати ва бошқалардан тўлиқ фарқ қиларди.

Уларнинг бу қилмишлари нафакат мусулмонларга қарши, балки бутун инсониятга қарши

каратилган эди. Бунга ўхшаш жиноят боскинчилар тарафидан мусулмонларга нисбатан биринчи марта қиланаётгани йўқ эди. Худди шу тарзда салбчилар Куртубанинг кутубхонасини йўқ қилишган эди. Гарнота (Гранада) шаҳри ҳам таслим бўлганида унинг кутубхонаси ҳам йўқ қилинди. Салбчилар миллионга яқин китобларни шаҳар майдонларининг бирига олиб чиқиб, уларни ёқиб юборган. Валенсия, Сарагос, Севиля, Толедо ва Андалусиянинг бошқа шаҳарларидаги йирик кутубхоналарнинг такдири ҳам шу қаби аянчли эди.

Салбчилар Шомнинг Траблусидаги кутубхонасини ҳам шу тарзда йўқ қилган. Умумий ҳисоб билан ўшанда Траблусда уч миллионга яқин китоб ёқиб юборилган. Газзо, Куддуси шариф ва фаластиннинг бошқа шаҳарларидаги китоблар ҳам салбчилардан омон қолмаган.

Исломиёй кутубхоналарни йўқ қилишнинг янги босқичи 19 асрда давом этди. Бирок бу сафар боскинчилар ўзларининг салафларидан анча фарқ қиларди. Улар энди бу китобларни йўқ қилмасдан уларни Европага олиб кета бошлади ва асрлар оша мусулмонлар топган ва ёзган бу илмий китоблар билан ўзларининг кутубхоналарини бойитиб олишди. Шунинг учун ҳам бизнинг китоблар ўзимизга қараганда, уларда анча кўп...

Барча даврларда боскинчиларнинг асосий мақсади умматимизни илм билан боглик бўлган жойига китобларини йўқ қилиш, сувга оқизиш, ўғирлаб кетиш билан қаттиқ зарба беришми экан деб қоламан. Менга кўра, боскинчилар атайин шундай қилишар эди, чунки улар Иломда илмнинг аҳамиятини қанчалик юқори эканини жуда яхши билишган ва мусулмонлар илм-фанга қанчалик қўп эга бўлишса, шунчалик қучли бўлишидан қўрқиб қолган.

Багдоднинг вайрон қилиш давом этилди...

Мўғуллар Багдоднинг қатта қутубхонаси ва Байтул Хикмани йўқ қилиб бўлганидан сўнг, улар бошқа бино ва иншоотларни, ислом тарихига оид ва бошқа кўзларига қарай қўйилган ва қандайдир бир аҳамиятга эга бўлган биноларни бузишга ўтдилар. Маъқур бино ва иншоотларнинг қўпи вайрон қилиб ташланди ёки уларга ўт қўйилди. Тўнаб кетиши мумкин бўлган барча нарсалар тўналди, олиб кетишга имкони бўлмаган нарсалар эса вайрон қилинди ёки уларга ўт қўйилди.

Мўғуллар саройлар, масжидлар, кутубхоналар ва шифохоналарнинг барчасини вайрон қилишди. Асрлар оша қад ростлаб турган бинолар йўқ қилинди. Вандализм ва вахшийлик ҳаракатлари шаҳарнинг ақсар уйлари ҳаробага айланганича давом этди.

Бу қудратли қирқ кун ва қирқ тун давом этди. Бунинг натижасида мусулмонларнинг халифалик пойтахти қўчаларини қирган ҳасадлар босиб кетди, қўчалар том маънода қизил - қон ранга бўйналди. Буюк шаҳар қудратли бўлди, овозлар тинди илло мўғулларнинг қароғина ва сурбетларча қайқирқиларию ва ҳамма нарсаларидан жуда бўлган ҳамда тинмасдан ва шафқатсиз зўрланаётган мусулма аёлларнинг йиғиларининг овозлари тинмаган эди.

“Улар оч қолган қочқинларнинг тинч қабилаларга ташлангани ёки қутурган бўрилларнинг қўйларга ташлангани қаби шаҳарга ташландилар. Улардан ҳамма қароғинага қарайди. Қочқинлар аёвсиз қанди. Қароғинадан қочқинлар, ўзларини қочқинларга қўрсатишни ор қилдиган қароғина, мусулма қизлар қочқинлардан қочиб қўчаларга олиб қочилар ва мўғул қароғинага қочилар эди... ана шу тарзда боскинчилар аҳолини йўқ

килишди” (Абдуллох Вассаф).

Хувуллаб колган Багдод вайронгарчилик ичида ётарди, энди бу буюк шаҳар ўзини қайта тиклаши учун бир неча аср керак бўлади. Баъзи тарихчиларнинг ҳисоблашича, мўғуллар Месопотамиядаги минг йиллардан бери ишлаб турган ирригацион тизимини ҳам йўқ қилганлигини айтади. Бу тизимлар босқинчиликдан кейин қайта тикланмаган.

Багдоднинг йикилиши мусулмон тамаддуни ва маданиятига жуда катта зарба бўлди.

Буюк шаҳар илм-фан, адабиёт ва санъат маркази бўлиб, шаҳар олиму-уламолар, адабиу-шоирлар ва файласуфларга бой эди. Минглаб олиму-уламолар, ёзувчи ва шоирлар катл қилинди. Омон қолганлари Шом ва Мисрга қараб қочишди. Мусулмон оламининг яхлитлигига ҳам каттик зарба берилди. Жуда кўп мусулмон ҳукмдорларнинг мўғулларга бўйинсинганидан мусулмонларнинг бирлигига ҳақида гапирилмаса ҳам бўладиган даражага қелишди.

Насронийлар эса, дунёнинг турли бурчакларида ўз шодликларини намойиш қилишди ва Хулагу ва унинг насроний аёли Тўқкиз хотинга шон-шарафлар айтишди.

Багдод қулаганидан сўнг

Шундай даврлар бўлганки, мусулмонлар давлати заифлашган, бироқ бунинг ортидан шундай даврлар келардики, мусулмонлар халифалиги ўзининг қудратини қайта тиклаб, қучли давлатга айланар эди. Бу давлат байроғи атрофида эса, бутун уммат қайта бирлашар эди. Агар мусулмонлар ўз халифи ва халифалигини йўқотсачи, нима бўлади? Бу ҳолатда бутун мусулмонларнинг бирлашиши мушкул, ҳатто иложи йўқ нарсага айланади.

Демак, айнан шу давр келди: Ислом оламининг пойтахти Багдод қулади, у билан бирга халифалик ва халиф ҳам йўқ қилинди.

Багдод қулаганидан бери мўғуллар мусулмонларнинг ерида қутуришни давом этарди, одамларни катл қилишар ҳамда ислом маданиятини йўқ қилишни давом этарди. Багдод шаҳридаги хунрезлик қирқ кун ва қирқ тун давом этди ва шу давр ичида шаҳар кўчаларидаги ўликлар қиришни бошлади...

Бу қирқ кун давом этган дахшатларнинг барчасидан сўнг, Хулагу шаҳардаги дафн қилинмаган бир миллиондан ошқин ўлик жасадларидан ўлат эпидемияси ўз қўшинлари орасида ҳам тарқалишидан қўрқиб, ўчта банддан иборат буйруқ чиқаради:

1. Мўғуллар аскарлари орасида ўлат тарқалмаслиги учун қўшин Багдоддан чиқарилади ва Ироқнинг шимолидаги шаҳарларига жойлаштирилади. Оз қисми гарнизон турли хил игво қилмаслиги учун Багдод атрофига жойлаштирилади;

2. Багдод шаҳри аҳолиси учун ҳавфсизлик таъминланишини эълон қилиш, бундан кейин шаҳарда битта ҳам одам ўлдирилмайди. Багдоднинг яширинган одамлари учун очикликка чиқишга ва ўлганларни дафн қилишга рухсат берилади;

Бироқ, бир миллиондан ошқин одамни дафн қилиш жуда оғир вазифа бўлиб, буни амалга ошириш учун жуда кўп вақт керак бўлади. Агар об-ҳаво ўзгармасидан олдин бу иш ниятсизга етказилмаса бу қасаллик нафакат Багдод балки Ироқ ва Шомга ҳам тарқалиши мумкин эди. Агар эпидемия мазкур ҳудудларда тарқаладиган бўлса, бу қасаллик мусулмонни ёки моғулми фарқ қилиб ўтирмайди. Шунинг учун ҳам Хулагу тирик қолган Багдод аҳолиси ёрдамида бу жасадлардан қутулмоқчи бўлади. Шундан сўнг озиб-тўзган ва ранглари ўчган Багдодликлар ўзларининг паналаридан чиқа бошлашди. Улар шу даражада ўзгариб қ етгандиларки, ҳатто бир-бирларини танимас эди. Хар

кайсини ўликлар орасидан ўзларининг ўгиллари, акалари, ота ва оналарини излашга тушишди...

Муслмонлар шошилиш тарзда ўликларини дафн қилишга киришиб кетишди, бироқ канчалик тез уринмасинлар, Хулаги ўйлаганидек бўлиб, Багдодда дахшатли ўлат эпидемияси бошланиб кетди. Бу эпидемия туфайли мўгул калласарларидан омон қолган жуда кўп муслмонлар кирилиб кетди. Ибн Касир: “Урушдан омон қолганлар, ўлатдан омон қолмадилар. Бу Багдод бошига тушган яна бир янги ҳалокат эди.... Ла хавла вала қуввата илла биллах...” («Ал-Бидая ва Ан-Нихая»).

3. Эътиқоди шиалардан бўлган Муаййиддин Ибн Алкабийнинг Багдодни бошқариш учун янги ташкил қилинган янги Бошқарувчилар Кенгашига раис этиб сайланди. Албатта, бу кенгаш мўгуллар назоратида бўлади.

Бироқ, Ибн Алкабий Багдоднинг ҳокими бўлиб кўринса ҳам, аслида барча бошқарув мўгуллар кўлида эди. Бундан ташқари мўгуллар ҳар қадамда Багдоднинг янги ҳокими таҳқирлар эди. Бундай таҳқирлаш нафакат Хулагу тамонидан, балки мўгул кўшинининг бошқа юқори ловозимли зобитлари тарафидан ҳам бўлар эди. Баъзан оддий мўгул аскарлари ҳам ўтқазиб юборишар эди.

Қўнларнинг бирида Абн Алкабийни таҳқирлаётганини бир муслима аёл кўриб қолади. Ўшанда Багдоднинг янги “ҳокими” ўзининг отига минаётганида мўгулларнинг бир аскари камчиси билан унинг отини ҳуркитади. Ўшанда аёл ибн Алкабийга: “Ахир, аббосийлар сен билан шундай муамола қилармиди?”, деб айтади. («Ал-Бидая ва Ан-Нихая»)

Бу аёл Аббосий халифалигининг собиқ бош вазирига ким эдинг, кимга айландинг, халққа нега бунчалик зулм қилдинг, аббосийлар даврида қай аҳволда эдинг энди кимга айланишини эслатмоқчи бўлади. Бу вақтгача у халқнинг амири эди, Багдоддаги ҳар бир одамга ҳатто халифага ҳам гапи ўтарди. Энди у қандай фожиага йўлиққанига қаранглар. Ўзи Багдодга таклиф қилган мўгулларнинг ҳар қандай аскари уни ҳар қадамда таҳқирламоқда.

Ўз султони ва халқини сотган бу вазирнинг бу ҳолатга тушиши табиийи эди. Чунки ўз Дини, Ватани ва Ор-номусини сотган ҳар қандай одам ҳатто сотилган душманлари нигоҳи олдида ҳам ҳеч қандай қадрга эга бўлмайди. Бундай одамдан факат вақтинчалик фойдаси тегиб турганича фойдаланилади ҳалос, сўнг эса аҳлат қаби отиб юборилади. Ушбу зўққо аёлнинг гаплари Ибн Алкабийга қаттиқ тегади. Багдоднинг янги “ҳокими” шармандаси чиқиб, маҳзун ҳолатда уйига бориб, унда тикилиб олади. У қутганидек бўлмади, мўгуллар босикинидан энг кўп зарар чеккан ўзи бўлиб чиқди. Ҳа, ҳозир у Багдодга ҳоким, бироқ бу ҳокимда ҳукмрон қилиш учун иқтидори йўқ. Вайрон қилиб, ўт қўйилган шаҳар ҳокими, ўликлар ва қасалларнинг ҳокими...

Ибн Алкабий бу шармандалиққа чидай олмади ва бир неча кун ўтиб уйда итдек ўлим топди.

Багдодга мўгуллар бостириб қелганидан бир икки ой ўтиб, хижрий 656 йилда ёлғиз қолган ҳолатида ўлди. Шармандаси чиқиб на ўзига на авлоди учун ҳеч қандай манфаат ортира олмади.

Ибн Алкабий ўлимидан сўнг, унинг ўрнига ўғлини таъйинлашди. Ўғли ҳам отасидан хиёнатни мерос қилиб олгани билан унга ҳам мансаби вафо қилмади ва 656 хижрий йилда ибн Алкабий ўғли ҳам ўлди.

Бунда ажабланидиган ҳеч нарса йўқ. Дарҳақиқат, кимда ким бу дунёга ёпишиб оладиган бўлса, Аллох таолонинг жазосидан қутилиб қолмайди. Бу дунёда ёпишиб олган нарсаларни оқибатда ҳасрат бўлиб ўзига қайтади. Халиф ҳам охиригача буларга

ёпишиб олди ва айнан шу нарса унинг халокатига сабаб бўлди. Бош вазир ибн Алкабий хам шу нарсага ёпишиб олган эди, унинг халокати хам айнан шу нарсада бўлди. Багдод ахолиси хам айнан шу нарса учун халокатга юз тутди, десак хам бўлади.

Пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Мен сизларнинг камбагал бўлишингиздан кўрмайман. Факат дунё сизлардан аввалгиларга ёпирилганидек устингизга ёпирилиб келишидан, улар сингари дунё учун ракобат килишингиздан ва дунё уларни халок қилганидек сизларни хам халок килишидан кўркаман» (Имом Муслим ривояти).

Багдоднинг кулаши хакидаги хабар ислом олами ва бутун дунёда яшин каби тез таркалди. Ислом олами учун бир неча асрлардан бери дунёнинг энг йирик салтанати бўлган Аббосийлар халифалигининг мағлуб бўлиши каттик зарба бўлиб, бундан мусулмонлар ларзага келишди. Буларнинг таърифини ёзишга тил ожиз...

Багдод мусулмонларнинг оддий бир шахари эмас эди... Багдод ахоли уч миллиондан зиёд бўлган нафакат дунёдаги энг катта сахар, балки бу илм-фан, маданият маркази хам эди. Багдод мусулмонлар халифалигининг пойтахти хам эди.

Багдоднинг куллаши нимани англатади? Мусулмонлар бир-бирларига шу саволни берар эди. Халифанинг ўлдирилиши, янгиси тайин килинмагани нимадан дарак беради? Бу аввалигисдан хам кийин бўлган иккинчи савол эди. Халифа ва халифаликсиз мусулмонлар ахволи не кечади? Аббосийлар халифалиги Багдод ва Ирокнинг баъзи худудларида бўлса хам халифалик ўша давр мусулмонлар учун муҳим бир тимсол эди. Шунинг учун хам халифаликнинг ағдарилиши ва халифанинг ўлдирилиши мусулмонлар учун катта фожиа эди.

Бу саволлар билан биргаликда мусулмонлар орасида турли хил миш-мишлар кўпайиб кетди. Бу миш-мишлар канчалик хақиқатдан йирик бўлса одамлар шунчалик буларга ишониб борарди. Бундай миш-мишларнинг энг каттасидан бири Багдоднинг мўғуллар тарафидан барбод килиниши киёмат соатининг яқин қолганининг аломати экан. Баъзилар мўғулларни Яжуж-Мажужлар шулар бўлса керак деб юборган. Багдоднинг кулашидан сўнг мусулмонлар ҳолати ана шундай эди.

Насронийлар дунёсига тўхталадиган бўлсак, улар ўзларидан йўқ хурсанд эдилар, чунки бир неча асрлардан бери мусулмонлар халифалиги Гарбнинг Яқин Шарқдаги босқинчилик манфаатларига қарши турган эди. Ўша давр, яъни хижрий еттинчи асрда дунёда энг йирик кудратли учта қуч бор эди: Ислом дунёси, Насроний мамлакатлар ва мўғуллар. Юқорида зикр қилинган воқеалардан олдин мусулмон ва насронийлар ўртасида муросасиз уруш давом этаётган эди. Мўғуллар тарафидан берилган бу зарба мусулмонлар учун жуда оғирлиқ бўлди ва насронийлар билан бўлаётган урушда мусулмонларни анча заифлаштириб қўйди. Шунинг учун хам насроний мамлакатларида Миср ва Шомни забт этиш учун янги салбчилар юришини уюштириш фикрлари тугила бошланди.

Насронийларнинг Багдоднинг кулаши учун фаол иштирок хам этиб, мўғулларга хам моддий хам маънавий кўмак берарди. Арманларнинг патриархи Хулагунинг мусулмонларга қарши урушни муқаддас уруш деб унга оқ тилаган. Мана шу ерда Гетум I ва Антикоялик Боэмунднинг мўғуллар қўшни билан қўшилиши хам юз берган.

Ўшанда мўғуллар ўз ваъдалари устидан чиққан биринчи ваъдани беришган. Насроний ҳукмдорлари ва мўғуллар ўртасида тузилган битимга қўра, Хулагу насронийларнинг барча оқими вакилларига омонлик берган. Шунинг учун хам Багдоднинг насронийлари мўғул қўшинларидан озор чекмадилар. Бундан ташқари, Хулагу несториан патриархига

кимматбахо совгаларни хадя килиб, Аббосий халифасининг энг катта ва кўркам саройини кароргох килиш учун берган хамда уни ўзига маслахатчи ва бошқарувчилар кенгашига аъзо килган.

Бун кўрган насронийлар мўгулларни Исо алайхиссалом учун (мусулмонлардан) касос олишга юборилган воситаси дейишларига сабаб бўлди. Улар бир неча йиллар олдин мўгулларнинг Европада килган хунрезликларини унутиб қўйган қўринади. Афсус, бундай нарсалар тарихда кўп бўлган...

Нсронийлар олами худди шу тарзда Андалусиядаги мусулмонларнинг энг сўнгги истихкоми бўлган Гарнотанинг (Гранада) куллашида хам хурсанд бўлишган эди. Агар биз Багдод ва Гарнотанинг кулаши воқеаларини киёс киладиган бўлсак, жуда кўп умумий жихатларни топамиз. Хатто тарих бу икки шаҳарда бир хил такрор бўлган, деб юборамиз...

Юрагим кўтарса хамда агар Аллох таоло кодир килса **Андалусия**ни кандай бой берганимиз армони хакида хам бир нарса дейман...

islamdag.ru сайтидаги бир неча туркум материаллари асосида

Абу Муслим тайёрланди